

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

*Зоотехния, хайвонлар генетикаси ва
урчитилиш кафедраси*

**“КУЁНЧИЛИК ВА МЎЙНАЧИЛИК” ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Маърузачи; қ.х.ф.номзоди, катта ўқитувчи Ш.Қ.Амиров

САМАРҚАНД – 2009

Мавзу: Қуёнчиликнинг ва мўйначиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва қуёнларнинг биологик хусусиятлари ҳамда келиб чиқиши.

Режа:

1. Қуёнчиликнинг аҳамияти ва вазифалари.
2. Қуёнчиликнинг тармоғининг тарихи.
3. Қуёнларнинг келиб чиқиши
4. Қуёнларнинг асосий биологик хусусиятлари.
5. Мўйна ҳайвонларининг биологик хусусияти.

Қўшимча адабиётлар.

1. Сысоев В.С., Александров В.И. - "Кролиководство" М, 1985
2. Минина И.С., Леонтьев С.В., "Как разводить кроликов", Москва., 1981
3. Помитко В.И., Деваева Г.М. и др. Пушное звероводство и кролиководство. Москва. 1982
4. Икромов Т. Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши. Тошкент. 1985
Кушоев Ж. Қуёнчилик(укув кулланма). Тошкент. 1994 йил
5. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

Тармоқнинг халқ хўжалигидаги самрадорлиги, қуёнчиликдан олинадиган асосий хом ашё маҳсулотлари, қўшимча маҳсулотлари, қуён гўштини марморсимонлиги (қатмақатлиги), гўштининг нархсизлиги, гўштининг кимёвий таркиби, холестерин моддаси, тери сифати, халқ хўжалигида қўлланиши, тивит толаси ва халқ хўжалигида қўлланиши, шартли мол ҳисоби, хонакилаштириш, ёввойи қуёнлар, маданий қуёнлар, етилувчанлик, серпуштлик, ҳаётчанлик, жинсий етилиши.

Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлига кирган бир пайтда аҳолини кун сайин ошиб бораётган озиқ-овқатга, кийим кечакка бўлган талабларни қондириш борасида чорвачиликнинг ҳар бир соҳасидаги унумли фойдаланиш мутахассисларнинг олдидаги асосий вазифаларидандир.

Чорвачилик мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Чорвачилик аҳолини ҳаётий зарур бўлган гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини зарурий хомашё билан таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ҳам қуёнчилик чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан биридир.

Қуёнчилик - чорвачиликнинг тез етилувчан, серпушт, сермахсул тармоқларидан бирдир.

Бу тармоқдан кам меҳнат ва озуқа сарфлаб пархез гўшт, сифатли тери, майин тивит ва бошқа маҳсулотлар етиштириш мумкин.

Чорвачилик деҳқончилик билан узвий алоқада ривожланади. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобидан етиштириладиган ҳосил таркибидаги умумий органик моддалар миқдорининг фақат 1/4 қисмини бевосита аҳоли озиқаси учун фойдаланилади. Қолган 3/4 қисмини эса, қишлоқ хўжалик ҳайвонларига арзон органик озиқа модда сифатида озиқлантириш билан тўла қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга.

Ўзбекистонимиз аҳолиси ҳозирги қарийб 26 миллионни ташкил этгани ҳолда, ҳар йили ўртача 0,5 млн. дан ўсаётганини ҳисобга олсак чорвачиликнинг ҚУЁНЧИЛИК каби тармоғини янада жадалроқ ривожлантириши тақоза этади.

Кишилар озиқ овқатининг таркибида ҳайвонот оқсилининг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун чорвачиликни барча тармоқларини ривожлантириш давримизнинг асосий талабидир.

Қуён гўшти пархез гўшт ҳисобланиб, аҳоли озиқ-овқати таркибида муҳим аҳамиятига эга. Қуён гўшти қорамол, қўй, чўчка гўшtlарига нисбатан енгил ҳазмланувчи, тўлақимматли оқсилларга бой ва холестерин миқдори кам. Киши организм қорамол гўшtidан 62% оқсилларни ўзлаштира олса қуён гўшtidан 90% ни ўзлаштиради.

Қуён гўшtidа товук гўштига нисбатан ҳам 2,7 марта (Na) моддаси кам, хатто бузоқ гўштига нисбатан 2,4 марта холестерин кам бўлади. Шу хусусиятларига кўра қуён гўшти болалар, кексалар, ҳамда ошқозон, жигар, юрак-қон-томир беморларига тавсия этилади.

Ҳозирги бозор иқтисоди ва хўжалик ҳисоби шароитида 5 бош қуён ва 1 бош насли эркак қуёндан бир йилда 400 кг дан зиёдроқ пархез гўшт етиштириш, ёхуд ҳар куни оила қозонига 1 кг дан зиёд гўшт тушиши мумкин ($5 \times 4 = 200 \times 2 \text{кг} = 400 \text{кг}$).

Қуён териси ҳам халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мўйначилик саноатида натура ҳолда, енгил чиройли аёллар мантоси (пўстин), жакет (нимтаки)лар, болалар пўстини, ёкаликлар, кулоқчинлар телпаклар

тайёрланса, атторлик (галантерия) маҳсулотларидан чармли енгил оёқ кийимлари, кулкон, сумкалар тайёрланади.

Куён тивитидан энг сифатли ип йигириб туқиладиган румоллар, женпир ва бошқа нарсалар тайёрланади. Вояга етган хар бир куёндан бир йилда жами карийиб 2 кг тивит олиш мумкин.

Куёнчилик махсус зотлар куёнларни Ғарбий Европа мамлакатларидан келтириб, 1927-1932 йиллар давомида махсус хўжаликлар ташкил этилиб бошлади.

Ўрта Осиё республикалари хўжаликларида куёнчилик жорий этилсада, асраш шароити бўлмаганлиги учун урчитиш тадқиқ этмади. Шунга қарамасдан Хоразм вилояти Боғот туманидаги "И.Дусов" номидаги жамоа хўжалигида, Туркманистонинг Чоржу туманидаги собиқ "Москва" ж-х даги куёнчилик корхоналари эътиборга лойиқ салмоқ билан ишлаб келди.

Фермер хўжаликларига ўтиш жараёнида ҳозир куёнчилик асосий тармоқ ҳисобланади. Шартли қорамол ҳисобига олганда 30 бошдан кам бўлмаслиги қарор асосида белгиланган. Куён 0,025 шартли молга тўғри келган ҳолда ($1:0,025=40 \times 30$)=1200 бош куён асралиши керак.

Куёнлар бундан 2000 йиллар илгари хонакилаштириш асосида яралган бўлиб, ёввойи куёнларнинг асл ватани Ўрта ер, Қора денгиз атрофида мулоим иқлимли ҳудудлар ҳисобланади. Дастлаб Испания, Францияда яшаган. Хонакилаштирилгандан кейин бутун Европа, Осиё, Австралия ва Америка қитъаларига тарқалган. Осиё ва Европанинг кўпгина ҳудудларида куёнларнинг ёввойи аждодларини ҳозирги пайтда ҳам учратиш мумкин. "Испания" сўзи "Куёнлар қирғоғи" маъносини англатади. Ёввойи куён билан уй куёнининг фарқи бор.

Ёввойи куёнлар маҳаллий ҳудудларимиз шароитида йилига 2-3 марта 3-5 бошдан кўзи очик, тук билан қопланган, бемалол юрадиган бола туғади.

Уй куёнларидан йилига 5-6 марта бола олиш мўлжалланади. Болалашда 6-12 тагача кўзи юмик, жунсиз бола туғади. 3 кунликдан кейинги жун белгилари кўринади. 6-7 кунликда тивит билан қопланади, 10-14 кунлигида уларнинг кўзи очилиб, 17-20 кунликда уядан чиқади.

Европа маҳаллий ўрмонларида ёввойи яшовчи алоҳида куёнлар (заяц) бўғозлиги 52 кун бўлиб, улар хонаки куёнлардан бошқа турлиги билан фарқ қилади. Хонаки куёнларнинг бўғозлик даври 30 (28-32) кун. Ёввойи бундан куёнлар билан хонаки куёнларни жуфтлаб авлод олиб бўлмайди.

Куёнлар тез етилувчанлиги, кун бола бериши, болалаш даврийликнинг йўқлиги, болаларнинг тез вояга етиши билан фарқ қилади.

Куёнлар боласи тутилганда уларнинг массаси 30 граммдан 120 граммгача бўлади. улар тез ўсиб 6 кунда. 2 марта, 10 кунда 3 марта, 20 кунда 5-6 марта, 30 кунда 9-10 мартагача туғилгандаги вазнига нисбатан ўсади. Куён болалари асосан 4-4,5 ойликкача жадал ўсиб, баъзан ота-онасини вазнига яқинлашади ва кейин ўсиш тезлиги сусаяди. Бунда 84-87% ни эгаллаб, қолган 13-19% вазини куёнлари 6-10 ликкача эришади. Яхши боқилган куёнлар 2-2,5 ойлигида жинсий вояга етади. Бу даврдан алоҳида

гурухларга ажратиб боқиш лозим. Уларни 4 ойлигида қочириб бола олиш мумкин.

Қуён болаларини 45-60 кунлик даврида онасидан ажратиш мақсадга мувофиқдир. Она қуён сути уларда 2-3 кунгача ажралади. Она қуёнлар бир кеча-кундузда 100-180 г, баъзан 200-270 г миқдорда сут ажратадилар. Сутдорлик 22-24 кунгача давом этиб кейин сусаяди. Ҳаво ҳарорати 15-25⁰С бўлганда қуёнлар ўз танасидан ортиқча иссиқлик ажратмаслиги, ҳарорат пасайганда истеъмол қилинган озиқа энергиясини бир қисмини танадан иссиқлик чиқаришга сарфлаши аниқланган. Нафас олиши ҳавонинг салқин кунларида минутига 50-60 мартани ташкил этса, ҳарорат 35⁰С дан ошиши билан нафас олиш тезлиги минутига 280-282 мартага ошади.

Қуёнлар ўзининг барча биологик хусусиятларига кўра ташки муҳитнинг кўплаб таъсирлари (шовқин, иссиқлик, совуқлик, шамол, озиқа)га, бўлган жавоби юқори бўлади.

Назорат саволлари.

1. Қуёнларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
2. Қуёнчилик тармоғининг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати қандай?
3. Қуёнларнинг дастлабки ватани қаер ва улар қачон хонакилаштирилган?
4. Хонакилаштирилган қуёнлар ёввойи аجدодларидан қандай белгилари билан фарқ қилади?
5. Хонакилаштирилган қуёнларнинг серпуштлиги, етилувчанлиги, урчитиш, ҳаётчанлиги, озиқланиш хусусиятлари.

Мавзу: Қуёнларнинг зотлари.

Режа:

1. Қуёнларнинг келиб чиқиши ва зот ҳақида тушунча
2. Қуён зотларининг классификацияси.
3. Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида режали урчитилаётган асосий қуён зотлари.

Қўшимча адабиётлар.

1. Сьсоев В.С., Александров В.Н. "Кролиководство" Москва, 1985 йил
2. Минина И.С., Леотик С.В. "Как разводить кроликов". Москва. 1984
3. Икромов Т. "Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши". Тошкент. 1983 йил
4. Кушоков Ж.. "Қуёнчилик" Тошкент. 1994 йил
5. Плотников В.Г. "Кролиководство" Белгород 1984 йил
6. Наставление по племенной работе на кролиководческих фермах (под ответств. вни. С.С. Коршунов) Москва 1988 йил
7. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

Зот, маданийлашган қуёнлар, хонакилаштирилган, ёввойи қуёнлар, зоологик таснифи (классификацияси), хўжалик маҳсулдорлик йўналиши бўйича таснифи, гўшт йўналишидаги, гўшт тери йўналишида, тивит йўналишида, калта жунли, ўртача жунли, узун жунли, декоратив (безак, чирой) мақсадли, экстерьер, конситутцияси.

Хонаки қуёнлар табиатда узоқ эволюцион тарихий жараёнларда ёввойи қуёнларни хонакилаштириш натижасида келиб чиққан.

Ёввойи қуёнлар ер куррасининг Ўрта ер денгизи қирғоқларида пайдо бўлган. Инсон қарийиб 2000 йиллар илгари уларни қўлга ўргатиб хонакилаштирган уларни маҳсулдорлиғни, хўжалик ва фойдали хусусиятларини яхшилаш борасида ташқи ва ички омилларни таъсирини сингдириб келган.

Хонаки қуёнлар зоологик классификация бўйича кемирувчилар туркумига товушконлар оиласига, қуёнлар турига мансуб. Ёввойи қуёнлар денгиз мослашгани учун дастлабки хонаки қуёнлар фақат илиқ иқлимли жанубий мамлакатларда урчитилган. Ўрта асрларга келиб, аста-секин бутун Европа мамлакатларида, ҳозирги даврда эса қуёнлар ер куррасининг деярли барча ҳудудларидаги мамлакатларда урчитилмоқда. Кўпгина ҳудудларда ёввойи қуёнлар учрайди. Ёввойи қуёнлар тунда ёйилиб ёки жуфт бўлиб ўтлашади. Чуқур ердан уяларда бекиниб яшайди.

Хонаки қуёнлар ёввойи аجدодларидан кўпгина белгилари билан фарқ қилинади. Улар тирик вазни, гўштдорлиғи, тез етилувчанлиғи, жун қопламнинг сифати каби хўжалик - фойдали белгилари билан устунлик қилади.

Зотлар қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг кишилар меҳнати туфайли, тарихи бир хил шароитда таркиб топган алоҳида гуруҳларидир. Зотлар кишилар жамиятининг маълум даврида ҳайвонларнинг муайян талабларига самарали ҳолда жавоб бера олиши асосида яратилади ва шу талабларни ондириш хусусиятлари эга бўлади.

Зотларнинг энг ҳарактерли хусусиятлари:

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлар шу гуруҳининг сон жиҳатидан кўплиғи келиб чиқиши жиҳатидан умумийлиғи, анато-морфологик, физиологик хўжалик фойдали белгиларидаги ўхшашликлар, ҳайвонларнинг маълум яшаш шароитига мослашиши кабилардир.

Зотлар ҳайвонларни яхши шароитда урчитиш лозим. Янги шароитда кўчирилган ҳайвон отлари иқлим ва табиий-иқтисодий шароитлар таъсири ўзгаради. Аммо яхши боқилса, яхши сақланса, зотли мол ўз хўжалик-фойдали сифатини сақлаб қолиши мумкин.

Қуёнчиликда зот деб, келиб чиқиши бўйича умумийликка эга бўлиб, хўжалик фойдали белгиларга хос, тана тузилиши ва физиологик хусусиятлари маҳсулдорлиғи жиҳатидан ўхшаш, ҳамда бу хусусиятларини авлоддан-авлодга ўтказа оладиган кўп сонли гуруҳи тушунилади.

Зот яратилишимда мутахассислар томонидан уни сақланиши учун наслик қуёнлар ўртача 2000 бош атрофида бўлиши лозим.

Зотни доимий яхшиланишида мукаммал танлаш ва сралаш, ҳамда машҳур қаторлар ва оилалардан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти катта. Қуён зотлар маҳсулдорлик белгиларига кура: гўштдор, гўшт-тери, тивит йўналишларига бўлинади. Шунингдек жун қопламнинг узунлиғига кўра: ўрта жундор, узун жундор, ҳамда қўшимча равишда тивитли ва декоратив йўналишларга бўлинади.

Ҳар хил мамлакатларда ҳозиргача яратилган қуён зотлари 60 дан зиёддир. Мамлакатимизда ҳозирги пайтда совет шиншилasi, улкан кулранг, оқ ўлка кумушсимон, Вена ҳаворанги, совет мардери, капалак, оқ тивитли зотлар урчитилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё худудида ҳар томонлама эътиборга таалуқли бўлишидан ташқари, табиий иқлими тез ўзгарувчан, яъни ёзи иссиқ, қиши кескин совуб кетувчи ҳисобланади.

Шунинг учун чорва молларининг, шу жумладан қуёнларнинг ҳам урчитиладиган зотлари синовдан ўтказилиши лозим. Ҳозирги бизнинг шароитимизга мослашиб урчитилаётган бир неча қуён зотларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Совет шиншилasi гўшт-тери маҳсулот йўналишидаги йирик, сермахсул зот 1948 йилдан 1963 йилгача қуёнчилик ва мўйнали ҳайвонлар илмий текшириш институти ҳодимлари жамоаси етакчилигида. Саратов вилоятининг "Анисов" совхозида, Новосибирск вилоятининг "Черпанов" совхозлари шароитида 1927-1928 йилларда Германияда келтирилган майда шиншила зотидаги қуёнларнинг ичида танлаш, саралаш ва уларни мақсадли етилтириш ишлари олиб борилди, шунингдек уларни Улкан оқ зотли қуён билан чатиштириш натижасида яратилди.

Совет шиншилasi мустаҳкам тана тузилиши, йирик ўлчамлари, жун қопламининг тифизлиги билан фарқ қилади. Тана тузилиши келишган, кўкраги кенг, калласи унча катта эмас, тўғри кулоқли, мустаҳкам оёқли, вояга етган қуёнлар вазни 5 кг, айрим хўжаликларда ўртача 6,4-7 кг ни ташкил этади. Совет шиншилasi зотининг қуёнлари серпушт ва серсут. Ўртача 7-8 қуён боласини эмизиб ўстиради. Бройлер гўшти олиш учун болаларини боқиб эмиздириш мумкин ва 70 кунлигида болалари 1,8-2 кг га етади.

Жун қопламининг бу зотда ранги кумушсимон, баъзан қорамтир-кумушсимон бўлиб, қорамтир-тўлқинсимон чизиқлар мавжуд. Айниқса бу чизиқли излар танасининг ягрин, қарчиғай, ёнбош, баъзан қорин қисмларида чиройли кўриниб туради. Бу зот ҳар қандай озиклантириш, иқлим шароитларига чидамли кўриниб туради. Шунинг учун бу зот нафақат бизнинг худудимизда, хатто шимолий, ғарбий Европа мамлакатларида ҳам муваффақиятли урчитилмоқда. Бизнинг шароитимизда ўтказган бу зот устидаги тажрибаларимиз бошқа зотларга нисбатан нафақат ташқи омилларга чидамлигини, ирсий белгилари бўйича ҳам устун эканлигини намоён қилди.

КУЛРАНГ улкан зоти гўшт-тери йўналишидаги йирик зотлардан ҳисобланади. 1946-1952 йилларда Палтава вилоятининг "Петров" совхози ва Украинанинг бир неча хўжаликлари, ҳамда Москва вилоят хўжаликларида маҳаллий қуёнларни чет элдан келтирилган йирик Фландр қуён зоти билан чатиштиришдан олинган дурагайларини танлаш, саралаш ва зот яратиш йўли билан яратилган. Фландр зоти йирик бўлсада, Украина ва Россия иқлим шароитларига мослашуви қийин эди ва жадал ўсиш, етилиш даражаси суст эди, шунингдек пушторлиги ҳам паст эди.

Натижада янги зотга таалуқли ҳайвонлар зотини яратишда катнашган она ва от авлод қуёнларга нисбатан хўжалик-фойдали хусусиятлари

жиҳатидан анча устун бўлди. Кулранг улкан зотли қуёнлар узун ва салмоқли гавдали, сержасад, кенга чуқур кўкракли йирик бошли, узун кулоқли ҳайвонлар. Вояга етган қуёнлар ўртача 5 кг (4-6 кг) ни ташкил этади. Айрим хўжаликлар шароитида 7 кг, терисини юзаси 3000 см² ни ташкил этади.

Бўрдоқилаш даражаси яхши, вояга етган қуёнларни сўйим чиқими 60% гача бўлади. Она қуёнлар серпушт ва серсут 7-8 болали ўстиради. Жун қоплами тигиз, ранги кулранг, тук кулранг, баъзи кизғиш кулранг, хатто қора ранглилари учрайди.

Ўрта Осиё шароитида ушбу зотли қуёнлар яхши урчимокда. Иқлимга яхши мослашади, касалликларга чидамли.

ОҚ УЛКАН қуён зоти гўшт-тери йўналишидаги қуёнларга мансуб. Бу зот Х асрда Белгия ва Германия чегараларидаги ҳудудларда давомли насличилик ишлари асосида яратилган. Бундан асосан Фландр зотли қуёнлар ичида ок ранглиларини узоқ танлаш ва сараш ишларига уларнинг гўшtdорлик ва тез етилуванлик хусусиятларига эътибор қаратилган. Бу зотга таалуқли қуёнларни танаси узун ва ихчам, бели текис соғриси тўлишган, кенг кўкракли, ўртача бошли мустаҳкам конституция типига хосдир.

Гўшtdорлиги ўртача, тез етилувчан, серпушт, ўртача 8 қуён боласини ўстириши мумкин. Болалари 2 ойлигида 1,5-2 кг ва 4 ойлигида 2,6 кг ни ташкил этади. Бройлер гўшт етиштиришга тавсия этилади. Вояга етган қуёнлар ўртача 5 кг ни ташкил этади. Баъзан алоҳида хўжаликларда 6,4 кг етади.

Хўжаликларда танлаш, саралаш ва насличилик ишларининг олиб борилиши натижасида секрпуштлиги оширилади, болаларининг ҳаётчанлиги яхшиланади. Зотнинг мўйнаси оқ, ялтироқ, зич ва майин, кўзлари қизғиш ёки пуштранг уларни алоҳида урчитишдан ташқари баъзан чатиштиришда ҳам фойдаланилмоқда.

КУМУШСИМОН зоти гўшт-тери маҳсулдорлик йўналишидаги йирик зотлардан ҳисобланади. Бу зот 1946-1952 йилларда Полтава вилоятининг "Петров" ва "Тулск" мўйначилик совхозларида зоотехниклар А.И.Каплевский ва И.И.Капелевскийлар томонидан яратилди. Бунда шампан зотли ғарбий Европадан келтирилган зотни саралаш буича иш қилиниб, уларни яна маҳаллий қора қуёнлар билан чатиштирилади.

Жун қоплами текис бутун танаси бўйлаб, эски қумуш рангида. Баъзан ҳаворанглилар учрайди. Ўсик жунлари қора, дағал туклари ичида ок ранглилари ҳам учраб қолади, тивити ҳаворанг. Болалари туғилганда қора бўлади. Улар 7-8 ойлик бўлганда вояга етган қуёнлар рангига қиради. Тирик вазни вояга етганларида 4,7 (4 дан 6 гача) кг ни ташкил этади.

Ўзининг тез етилувчанлиги билан бошқа зотлардан ажралиб туради. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларида яхши урчитилмоқда, илмий тажрибаларда синаб кўрилмоқда.

Боши ўртача, кулоқлари ингичкароқ ва тикка, кўкраги чуқур, сағриси кенг ва айланма, оёқлари мустаҳкам. Жадал ўсувчи, бўрдоқилашга мойил, гўшtdорлик сифати яхши. Бироқ уларда жун қопламининг сийракроқлиги камчилик ҳисобланади.

ҚОРА ҚЎНҒИР қуён зоти 1942-1948 йиллар давомида Татаристоннинг "Вирюли" мўйначилик совхозида селекционер Ф.В.Никитин томондан яратилган. Унда асосан ок улкан, фландр ва вена ҳаворанг зотли қуёнларнинг ўзаро чатиштириш билан яратилади. Қора - қўнғир қуён зотини танаси асосан қорамтир қўнғир бўлиб, дағал килтик ва оралик жун толаларининг уч қисми қопқоралари ҳам учрайди. Мўйнасидаги айрим ранглар 7-8 ойлигидан бошлаб ўзгаради.

Вояга етган қуёнларнинг ўртача вазни 5 кг (3,6 дан 6,6 гача) атрофида бўлади. 8 тагача болалйди. Мўйнаси тифиз жунли бўлиб ранги чиройли, буямасдан табиий ҳолда кийимга фойдаланилади.

Гавдаси узун, суяклари мустаҳкам, йирик, кулоғи узун, кўкраги кенг ва чуқур, орқаси тўғри ва кенг, сагриси кенг, гўштдорлиги яхши, серпуштлиги, сутдорлиги ва етилувчанлиги ўртача.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда режали зот ҳисобланади.

ВЕНА ҲАВОРАНГ қуён зоти гўшт-тери йўналишидаги катталиги жиҳатидан ўртача қуёндир. Бу зот XIX-аср охирларида Австрия мамлакатидagi хўжаликларда маҳаллий ҳаворанг қуёнларни белгия улкан қуёни билан чатиштириш натижасида яратилади ва 1895 йили мамлакат пойтахти Вена шахрининг номи билан зот сифатида қабул қилинган. Россия ва бошқа ҳамдустлик мамлакатлар Германиядан келтирилган.

Танаси кулранг ва ҳаворанг, баъзан қизғиш ҳаворангли, оч ва тук рангбарангликлари мавжуд. Доғлар ва қора рангли жун толалари учрамайди.

Тирик вазни ўртача 4,3 кг (3,8-5 кг) бўлиб, айрим ҳолатда 7 кг га етади. Ташқи муҳит, озикланиш шароитига яхши мослашаолади.

Серпуштлиги ўртача қисқа вақт ичида семира олади. Етилувчанлиги яхши. Гўшт чиқими 56,9-59,8% гача етади.

Бизнинг ҳудудимизда урчиш мумкин, бироқ ҳозирча жуда кам урчитилмоқда.

КАПАЛАК қуён зоти 1887 йилда Англияда декоратив (безак. Кунгил олувчи) зот сифатида яратилган, вазни жиҳатидан ўртача зот ҳисобланади. Маҳаллий ҳудудларимизда кенг тарқалган. Танаси ок. лекин танасининг икки томонида симметрик қора доғлар мавжуд. Айрим вакилларининг танасидаги доғлар жигарранг кулранг бўлиши ҳам кузатилган.

Вояга етганларининг тирик вазни ўртача 4,3 кг. Танаси қисқарок бўлиб 35 см, кўкрак айланаси 36 см. Конституцияси пишиқ, гўшт маҳсулдорлиги вазнига нисбатан яхши. Она қуёнлари серпушт, серсут, яъни болали тез етилади. Шунинг учун баъзи туманларда бройлер гўшт мақсадида фойдаланилади.

СОВЕТ МАРДЁРИ зоти 1931-1940 йиллар давомида Арманистонда М.Ч.Маграмян томонидан рус горнастаев, шиншилла ва маҳаллий қуёнларни ўзаро чатиштириш натижасида яратилган.

Ранги асосан жигарранг, лекин танасида баъзан турли катталиқдаги доғлар учраб туради. Болалари туғилганда сичқон рангида бўлади. 4 ойда вояга етган қуёнлар рангига киради.

Совет мардери зотли куёнларнинг мўйнаси чиройлилиги учун бошқаларидан ажралиб туради. Бу зот гўшт-тери йўналишига таалуқли бўлсада, хўжаликларда мўйна териси етиштириш учун урчитилади.

Конституцияси мустаҳкам, ўртача тирик вазни 4,5 кг (3,8-5) ни ташкил этади. Серпуштлиги ўртача, етилувчан, бироқ асосан мўйна териси учун урчитиш мақсадга мувофиқ. Арманистонда кўп урчитишиб, бизнинг худудимизда маълум, оз миқдорда учрайди.

ОҚ ТИВИТЛИ куён зоти 1939-1957 йиллар давомида Татаристон республикаси, Курск ва Воронеж, Киров вилоятларининг хўжаликлари шароитида селекцион олима М.В. Вшивцева раҳбарлигида яратилган. Тивит маҳсулдорлик йўналишида бу зотни яратилишда маҳаллий кам маҳсули жун тивит бервчи куёнлар ангор зотли куёнлар билан чатиштирилиб, танлаш ва саралаш йўли билан яратилган.

Бу зотнинг бўйи калта ва йўғон, бели тўғри ва кенг, ранги оқ, олинган жуннинг 92-96% ни тивит ташкил этади. Тивитнинг узунлиги 6-7 см, ингичкалиги 12,4-13,5 микрон. Йилига 1 бош куёндан 420-500 г тивит олинади, айрим хўжаликларда 750 г га етади. Киров Давлат наслчилик хўжалигида 1 кг гача тивит олинган.

Оқ тивитли куён зотига таалуқли куёнлар танасининг тирик вазни ўртача 4 кг, узунлиги 54 см, кўкрак айланаси 34 см, 7 гача бола бериш мумкин.

Хилма-хил шароитга мослашаолади, бизнинг худудимизда кам учрайди.

Бу зотнинг қуйидаги гуруҳлар мавжуд:

А) Киров гуруҳи - маҳаллий тивитли куёнларни ангор зоти билда қон сингдириш чатиштириши усулида олинган.

Б) бирюлин гуруҳи ангор ва фландр зотларини мураккаб чатиштириш усулида яратилган.

В) Солнцев гуруҳи-ангор зотли куёнларни тоза зотли урчитиш ва уларни Бирюлин совхозидаги эркак куёнлар билан чатиштириш натижасида олинган.

Гўшт йўналишидаги куён зотлари.

НОВОЗЕЛАНДИЯ ОҚ ҚУЁНИ - 1910 йилда АҚШда яратилган. Гўшт йўналишида, оқ рангли келтирию чатиштирилишида аввало қизил рангли альбинос ҳайвонлар танланади, сараланади ва олинган янги наслларни етилувчанлиги, гўшtdорлик белгилари, сўйим чиқими, сўйим оғирлиги ва гўшт сифати каби кўрсаткичлари бўйича сараланиб "ўз ичида" урчитилади. Қисман Фландр зотини ҳам қони сингдирилади.

Новозеландия оқ қуёни АҚШ да жуда кенг тарқалган. 1950 йиллардан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатларида, собик иттифоқда эса 1971 йилдан бошлаб тарқалди ва иқлимлаштирилади. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам мавжуд. У мустаҳкам конституцияли, баъзан ингичка ва пишиқ суякли бўлиши билан фарқ қилади. Гавдаси унча узун эмас (47-50 см). тўлишганлик индекси 63% дан зиёд, кўкраги чуқур, кенг орқаси энли, сагриси ёйиқ, мускуллари тўлишган.

Вояга етганлари 4,5-5 кг гача, туғилганда боласи одатда 45 г атрофида майда туғилса-да, ўсиш тезлиги юқорилигидан 2 ойлигида 1,8-2,2 кг 3 ойлигида 2,7-3 кг га етади. 1 кг қўшимча ўсишига 3-5 кг.оз. бирлиги сарфлайди. Бу зотдан асосий маҳсулот сифатида гўшт олинди, қўшимча маҳсулот сифатида тери олинади. Сўйим чиқими 52-58%, гавда гўшти чиқими 77,5% гача. Серсутлиги ва серпушт (7-12) лиги билан фарқ қилади. Саноат чатиштириш усулида бошқа зотлар билан яхши натижа беради.

КАЛИФОРНИЯ-зоти гўшт йўналишидаги катталиги ўртача, оқ рангли, фақат кулоқ ичида, баъзан тумшук, оёқ кафтлари ва дум учиди қорамтир - жигаррангли белгилар учрайди.

АҚШда Новозеландия оқ, рус чипор, йирик шиншилла зотларини мураккаб чатиштириш ва олинган охирги авлодларини "Ўз ичида" чатиштириш натижасида яратилган. Бунда Новозеландия оқ зотини тез етилувчанлик, гўшторлик белгиси, рус чипор зотдаги тери жун қопламанинг тизиллик хусусиятлари мужассамланган.

Конституцияси мустаҳкам, баъзан суяги нозик гўштор, тўлишган. Вазни 4-5 кг. Туғилганда ўртача 45г., 2 ойлик 1,9-2,3 кг, ойликда 2,7-3,4 кг ва 5 ойликда 4,2 кг. Шундан сўнг ўсиш сусайиб, ҳарajat зиёд бўлади.

Сўйим чиқими 56-60%, гавда гўштида эт чиқими 82-85%, суякка эса 13-15% қолади, ёғ эса 1,8-1,5%, серпушлиги ўртача 8 бош, туғилганда тўлик оқ бўлиб, қорамтир белгилар кейинчалик пайдо бўлади, рус чипор зотига ўхшаш. Собик СССР ҳудудига 1971 йилда Англия, Венгриядан келтирилган. Украина, Россияда кенг тарқалган, Ўзбекистонда ҳам бор.

Ҳар иккала гўштор зотлар бармоқ ораси ва кафтида жун қоплами бўлиб, тур симли кафтларда асрашга мослашган.

Назорат саволлари.

1. Зот деб нимага айтилади?
2. Маданий қуёнлар ёввойиларидан қандай кўрсаткичлари билан фарқ қилади?
3. Қуёнларнинг зоологик, қуён зотларининг ишлаб чиқариш таснифини таърифланг.
4. Ўзбекистонда ва Марказий Осиё ҳудудига урчитилаётган асосий зотларни изоҳланг.

Мавзу: Қуёнларнинг гўшт маҳсулдорлиги.

Режа:

1. Қуён гўштнинг химиявий, озиқалик қиммати, ҳамда унинг ёшига, зотиға, озиқланиши қаби омиллар билан боғлиқлиги.
2. Давлат андозаси бўйича қуёнларни семизлик даражасини аниқлаш, сўйим муддати ва уни ташкил етиш.
3. Сўйим чиқим ва сўйим вазнларини аниқлаш.

Қўшимча адабиётлар.

1. Сысоев В.С., Александров В.И. - "Кролиководство" М. Агропромиздат, 1985 йил.
2. Таниев Н.И. "Продукция кролиководство" Москва. 1988
3. Бодур И., Кривчанский И. "Кролиководство" Тошкент, 1988 йил.
4. Шеелъе Р., и др. "Откорм кроликов" Москва Колос 1979
5. Кушонов Ж. "Қуёнчилик" (укув кулланмаси). Тошкент. 1994 йил.
6. Икрамов Т "Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши", Тошкент, 1983 йил.
7. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

"Етти хазинанинг бири" халқ ибораси, фермер, ширкат, ижара, жамоа хўжаликларида қуёнчилик ва уларнинг ривожлантириш имкониятлари, пархез гўшт, Қуёнларда туллаш, энса суяги, мия ҳаракати, холсизланиши, давлат андозалари, навлар, семизлик даражалари.

Куёнчиликдан хилма-хил маҳсулот ва хом ашёлар олиниши мумкин. Халқимиз иборасида айтганда "Етти хазинанинг биридир". Чунончи мустақил Ўзбекистонда ривожланишининг бозор иқтисоди йўналишини танлаган бир пайтда фермерлик, ширкат, хатто деҳқон хўжаликларнинг тараққий этишида тадбиркорлик воситаси сифатида фойдаланса бўладиган тармоқдир.

Ўзбекистон шароитида ана шу имкониятлар мукаммал ишга солинса, барча хўжаликлар шароитида катта бевосита аҳолининг фаровонлиги ошиши ва ҳукуматимиз йўлланмасига лаёқатли ҳисса кушган бўлинади.

Куёндан пархез гўшт, ҳар хил мўйналар, чарм-териси, сифатли майин тивит, ҳар хил консерва маҳсулотлари, турли ферментлар, тутилган болаларини 2 кунликкача биологаторияларга топшириб ҳар хил вакциналар тайёрлаш, кулоқ кафт чиқим (сўйишда) ларидан олий навли елим, кушхона чикитларидан гўшт-суяк уни, ҳамда гунг органик ўғит ва бошқа нарсалар етиштириш мумкин.

Куёнларни сўйишдан олдин туллаш даражасини, семизлик ҳолатини бирма-бир қўл билан силаш маъқул. Чунки уларда туллаш бошқа ҳайвонлардан фарқли ҳолда кўпгина омиллардан ташқари ёшига ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда кечади. Йилнинг ҳар хил фаслида туғилган куён болалари ёшига қараб туллаш даражаси ҳар хил бўлади.

Сўйишга танланган куёнлар бир кеча-кундуз озиклантирмайди ва жун қоплами яхшилаб тозаланди. Куённи орқа оёқларидан чап қўлда ушлаб колласи пастга қаратилади. Махсус таёк билан энсасига ўртача куч билан урилади. Куён хушсизланади. Орқа оёқларидан махсус илгакка илиб боғланади ва консизлантириш учун кўзи уйиб олинади, ёки бўйинда пайпаслаб кўриш билан лукиллаб турган уйку артерияси топилиб пичоқни учи 1-2 см томирга синчилади. Қонни тўлиқ чиқиш учун 5-7 минут кутилади.

Куён гўшти жуда мулойим, хуштам, чунки парранда гўштига нисбатан ҳам тўлиқ қийматли оксилларга бой. Шунинг учун ёш болаларига, кексаларга, беморларга ва хаддан зиёд семирган кишиларга ҳам шифоли, пархез озик-овқат ҳисобланади.

Таркибидаги оксил жиҳатидан фақат курка жужаси гўшtidан орқада қолиши мумкин. Чўчка гўштига нисбатан эса сув миқдори ҳам, қуруқ моддаси ҳам куп.

Куён гўшти оксилини 90% киши узлаштириб олади. Қорамол гўшtidан эса фақат 62% гача узлаштира олади. Куён ёғи тез эрувчан, сифати бўйича қорамол, чўчка, куй ёғларидан устунрок туради.

Куён гўшtidан парранда гўштига нисбатан натрий моддаси 2,7 марта, бузоқ гўшtidан эса 2,4 марта кам. Бу нарса холестеринмоддасини камайишига, гўштининг шифобахшлигига сабаб бўлади.

Европа мамлакатларида XX аср ўрталарида 1 бош куён нархи 1 бош чўчка ёш чўчка билан тенг бўлган. Бир она куён йилига 4-5 марта болалаб, 60-70 кг гўшт ва 20-25 дона сифатли тери бериши мумкин.

Қуёнларнинг тирик вазнига нисбатан 70% ни, қорамолларда эса 42-50% ни мушак толаси ташкил этади. Суяк ва тоғайлар қуёнларда 13-36% ташкил эста, қорамол гавда гўштининг 18-30% ни ташкил этади.

Қуён болалари 70 кунликда бройлер гўшти учун сўйилиб, гўштининг таркибида 22% гача оқсил, 5% гача ёғ, тирик вазни эса 2 кг атрофида бўлади.

Вояга етган қуёнлар гўшtidан 19-21% оқсиллар, ёғ эса семилигига кўра 2-18% гача бўлиши мумкин. Турли хайвонларнинг 100 г ёғи ва гўшти таркибидаги холестерининг миқдори қуёйдагича:

Мол ёғида	-1,25 г.
Қўй ёғида	-1,40 г.
Чўчка ёғида	-0,33 г.
Бузоқ гўшtidа	-0,11 г.
Қуён гўшtidан	-0,4 г.

Гўшт учун сўйилган ҳар қандай қуёнлар гўшtdорлигини сўйим чиқими кўрсатади. Сўйим чиқими - ички ёғи ва гўштинини сўйим олди тирик вазнига % нисбати билан аниқланади. Қуёнларда бу кўрсаткич ёши, семизлик даражасига қараб 47-60% гача бўлади. Давлат андозаси талаби бўйича сўйилган қуён гавда гўштига қараб БИРИНЧИ ва ИККИНЧИ семизлик даражаларига бўлинади.

- 1 - даражали гавда гўшtidа мушаклар яхши ривожланган, гавданинг қарчиғойида ва чот қисмида яхши ёғ қатлами кўринади. Умиртқанинг устунги ўсимтаси бўлинмайди. Бўйрак яримгача ёғ- билан ўралган.
- 2 - даражали гавда гўшти қониқарли, ўртача ривожланган қарчиғайда ёғ излари билинади. Чот ва бўйракда ёғ сезилмас ҳолда. Умуртқа ўсимтаси озгина билиниб туради.

Назорат саволлари.

1. Қуёнларда етиштириладиган асосий маҳсулотлар нималардан иборат?
2. Қуёнлардан қандай қўшимча маҳсулотлар олинади?
3. Қуёнларни гўшти ва мўйна териси учун сўйишга тайёрлаш жараёнларни изохланг.
4. Қуён гўштининг хусусиятлари ва давлат андозаси талабларини баён этинг.

Мавзу: Қуёнларнинг тери маҳсулдорлиги.

Режа:

1. Мўйначилик хом-ашёси сифатида қуён терисининг хусусиятлари.
2. Давлат андозаси бўйича қуён терисига қўйилган асосий талаблар.
3. Ёши бўйича ва мавсумий тулаш.
4. Қуёнларни териси учун сўйишни ташкил етиш.
5. Қуён терисини дастлабки ишлаш қоидалари

Қўшимча адабиётлар.

1. Сысоев В.С., Александров В.И. - "Кролиководство" М. Агропромиздат, 1985 йил.
2. Таниев Н.И. "Продукция кролиководство" Москва. 1988
2. Бодур И., Кривчанский И. "Кролиководство" Тошкент, 1988 йил.
3. Шеелъе Р., и др. "Откорм кроликов" Москва Колос 1979
4. Кушонов Ж. "Қуёнчилик" (укув кулланмаси). Тошкент. 1994 йил.
5. Икрамов Т "Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши", Тошкент, 1983 йил.
6. Кафедрадаги мавжуд услубий кўрсатмалар.

Таянч иборалар.

Қуёнчиликдан олинadиган асосий мухсулотлар, қуёнчиликдан олинadиган қўшимча махсулотлар, мўйна ва чарм – тери, қуёнларда туллаш, давлат андозалари.

Куён ветеринария ва медицинада, хатто космонавтикада энг кулай лаборатория ҳайвони сифатига фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон хўжаликларида куён асосан гўшт ва мўйна учун урчитилади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида етиштириладиган турли хил мўйналар ичида куён мўйнаси салмоқли ўринни эгаллайди. Куёнларнинг сифатли терисидан келадиган даромад гўшtidан келадиган даромаддан деярлик кам бўлмайди. Шунинг учун куённи тери ёки гўшт учун сўйишдан катъий назар терининг сифатига аҳамият бериш лозим.

Куёнлардан сифатли тери олиш учун уларни уз вақтида сўйиш ва терисини сифатига этибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Куёнларнинг териси бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларини терисига мос ҳолда ажратилса тайёрлов идоралари қабул қилмайди. Куёнларни 3-4 ойлик бўлганда танлаб сўйиш мумкин. Бунда куённинг туллаш даражаси улар жунини пуфлаб кўриб, терини рангига қараб аниқланади. Бунда туллаш жараёнида олмашинаётган жун ўзаги қисмидаги терида кўкимтир ранг билинади. Терини сўйилганда кейин ички томонидан ҳам доғлари бўлинади. жунни сақлаб, ёки тортиб кўриш, билан туллаш жараёнини аниқлаш мумкин, яъни туллаётган жун толалари қўлга осон илашади.

Куёнларда туллаш қиш фаслида секинлашиб ноябр март ойигача сўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Куён болаларини йилнинг қайси фаслида, ёки даврида туғилганига қараб туллаш муддати тугаб яна такрорланишигача бўлган даври ҳар хил бўлади. Йилнинг бошида, яъни март ойида туғилганлари учун тулланишни тугалланишига 270 кун, июнь ойида туғилганларига 190 кун, июль охирида туғилганлари учун 150 кун муддат керак.

Сакраш бугунидан тери айлантриб кесилиб, орқа оёқни ички томонидан кесилиб орқа чиқарув тешигига бирлаштирилади. Деярли қолган қисмдаги тери кул билан мешсимон ажратилади. Дум умуртқа суякларидан ажратилади. (Бундан олдин олдинги оёқлардан кўтариб қорни баландга силаниб, сийдикни чиқариш керак). Сўнгра тери пастга тортилади. Қари куёнларда кулоқ тоғайи, кўзларининг атрофи, бурун ва лаблари пичоқ ёрдамида олдинги оёқлари кафт бугунидан кесиб кулоқ тоғайлари олиниб клей тайёрлашга топширилади.

Ажратилган тесқари ҳолатдаги мешсимон тери махсус тўғрилагичларга кийдирилади. Тўғрилагич узунлиги 100 см, баландиги эни 5 см, охириги эни 30 см. гача бўлади. Ёғочдан ясаб, понали шаклда кулай, терини таранглашга унгай бўлади. терини тузламасдан шамол тегадиган, сояда ҳарорат 30⁰С, дан ошмайдиган жойда тик қурилади. Кўришдан олдин теридаги ёғ ва ет кодиклариутмас пичоқ билан дум томонидан бошига қараб тозаланади. Дастлаб ишлаган куён терисининг вазни 1,1 кг. дан ам бўлмаслиги лозим.

Яхши қуриган терилар тахтланиб тайёрлов идораларига, ёки шартнома асосида истеъмолчиларга топширилади.

Куён мўйнасидан чиройлик пальто, кулоқли телпаклар, ёқалик, нимтаки, болалар пўстинлари тайёрланади.

Қуён чарм-терисидан кулкоплар, сумкалар енгил оёқ кийимлари кабилар тайёрланади. Қуён терисининг товарлик (маҳсулотлик) хусусиятларини унинг ўлчами (юза сатхи), чидамлилиги, вазни, жун толаларининг тигизлиги, ҳаво ўтказимчанлиги, ташқи кўриниши, ранги ва бошқа шу каби кўп кўрсаткичлар ташкил этади. Қуён терисининг ўлчами кўзлар ўртасидаги чизикдан дум асосигача бўлган узунлик ҳисобида олиниб "Д" ҳарфи билан белгилансак:

$D:2=0,5D$ нуқтадан эини ўлчанади.

$Ш \times 2 = 2Ш$ (чунки тери икки кават)

Агар терини умумий юзасини "П" билан белгиласак:

$P = D \times 2Ш$, нинг CM^2 шаклидаги ифодасида бўлади.

Давлат андозалари (ГОСТ 3136-37) талабига кўра бошли ва бошсиз.

Қуён терилари қуйидаги 3 та гуруҳга бўлинади.

Гуруҳлар	Қуён терисининг юза сатхи, cm^2	
	Бош қисмли	Бош қисмсиз
Алоҳида, (йирик)	1600 дан зиёд	1500 дан зиёд
Йирик	1300 дан 1600гача	1200 дан 1500 гача
Майда	1300 ва кам	1200 ва кам

Давлат андозасига кўра қуён мўйна териси сифат кўрсаткичларига кўра 4 та навга бўлинади.

1. - навга терида килтик ва тивит толалари етилган терилар киради. Терини ички томони тоза бўлиши керак. Баъзан камгина килтик ва тивит толалари етилмаган, шунингдек ички қисмида қисмида кўпчилик белгилари озигина бор бўлсада турининг умумий юзасига нисбатан 1% дан ошмаса ҳам 1 - навга ўтказилади.
2. - навга теридаги килтик ва тивит толалари тўлиқ етилмаганлари киради. Терини ички қисмида тўлиқ ёки парчалардан иборат кукишлик белгилари мавжуд. Бўлсада, ягрин қисми тоза бугланлари киради. Баъзан - 1 - навга хос, лекин жун қоплами сийрак ва юпка терилар ҳам бу навга киради.
3. - навга қуён мунасидаги килтик ва тивит толалари тула етилмаган, терини этли қисми ёппасига, ёхуд парча-парча кукишлик кўринишадаги терилар киради.
4. - навга сийрак килтик ва тивит толаси, жадал туллаш даврида суйиб олинган терилар киради. Ички эт қисми ҳам тўлиқ ёки парча - кукишликка эга бўлган терилар киради.

Назорат саволлари.

1. Қуён терисини хусусиятлари ва давлат андозаси талаблари қандай?
2. Қуёнларни гўшти ва мўйна териси учун сўйишга тайёрлаш жараёнларни изоҳланг.

Мавзу: Қуёнларнинг тивит маҳсулдорлиги.

Режа:

1. Қуён тивитининг хусусиятлари ҳамда қуёнлардан тивит олиш муддатлари ва усуллари.
2. Давлат андозаси бўйича тивитининг сифатига қўйилган талаблар.
3. Қуён тивитининг сифат ва миқдори жиҳатдан яхшиланишга қаратилган тадбирлар.

Қўшимча адабиётлар.

1. Сысоев В.С., Александров В.И. - "Кролиководство" М. Агропромиздат, 1985 йил.
2. Таниев Н.И. "Продукция кролиководство" Москва. 1988
2. Бодур И., Кривчанский И. "Кролиководство" Тошкент, 1988 йил.
3. Шеелъе Р., и др. "Откорм кроликов" Москва Колос 1979
4. Кушоков Ж. "Қуёнчилик" (укув кулланмаси). Тошкент. 1994 йил.
5. Икрамов Т "Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши", Тошкент, 1983 йил.
6. Кафедрадаги мавжуд услубий кўрсатмалар.

Таянч иборалар.

Майин момик, тивит, қуёнларда туллаш, давлат андозалари, тивитни қирқиш, тараш, уя тивити.

ҚУЁН ТИВИТИ халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Тивит асосан тивит йўналишидаги алоҳида зотли қуёнлардан тараб олинади. Хар бир қуёндан бир марта таралганда 150-170 г. дан бир йил давомида 5-6 марта тивит олиш мумкин. йил давомида хар бир вояга етган қуёндан 450 г. дан 1020 г. гача тивит олинади. Болалари билан ҳисобланганда 1 она қуёндан 1 йилда 2 кг, дан кўпроқ тивит етиштириш мумкин.

Қуёнлардан асосан тивит 2 усулда, яъни қирқиш ва тараш усулларида олинади. Қирқиб олинган анча сифатсиз бўлади, чунки толани ярим терида қолади, олинган толалар бир хил бўлмайди. Қуён болалари дастлаб 2 ойлик бўлганда қирқилади. Кейин 6 ойликкача хар икки ойда бир марта 6 ойликдан кейин хар ойда тараш йўли билан тивит йиғиштирилади.

Тивит маҳсулдорлигига қуённинг ёши, озиклантириш шароит жинси, физиологик ҳолати, асраш, йиғиш техникаси ва йиғиш сони кабилар таъсир этади.

Она қуёнлар болалаш олдида танасидан тивит (30-40г) тараб олиб боласини уруш учун ишлатилади. Бу хўжаликларда анча миқдорга етади. Боласини ажратиб, янгилаш даврида уни йиғиштириб олиб тозаланади.

Буни уя тивит дейилади.

Қуён тивити давлат андозасига кура қуйидаги навларга бўлинади: ЭКСТРА нави - жуда ок ифлосланмаган, чигаланмаган, толасини узунлиги 60мм зиёд.

1. НАВ - тивитни тозаллиги экстрага хос, бироқ тола узун 45-59 мм.
2. НАВ - тивитнинг тозаллиги олдингиларидек, бироқ толаси узунлиги 30-40 мм.
3. НАВ - тивитнинг тозаллиги юқоридагиларга ўхшаш. Толанинг узунлиги 11-29 мм бўлиши лозим. Чигалланган қисми 3% дан ошмаслиги керак.

Қуён тивит ингичкалиги, пишиқлиги, иссиқликни сақлаш каби белгилари билан майда шохли моллар жуни ва тивитдан қолишмайди. 1 кг қуён тивитидан 25 та аёллар бош кийимини тайёрлаш мумкин.

Қуён тивитнинг ҳар бир нави давлат андозаси кўрғазмасига асосан техник ҳолатларга кўра меъёрий ва нуқсонликларга бўлинади.

НУҚСОНЛИ деб - экстра, биринчи ва иккинчи навли тивитларнинг чигалланганлик ҳолати 3% дан ҳамда ифлослиги 5% (умумий вазиятига кўра) дан ошмаганлиги ҳисобланади.

Қуён тивитнинг учинчи навлиси агар ифлослиги қўшимчалари 5% дан 10% гача бўлса, ҳамда кучли сарғайганлиги мавжуд бўлиб, 11 мм дан калта жун толалари 10-30% ни ташкил этса нуқсонли ҳисобланади.

Яроқсиз қуён тивитга толаларнинг узунлиги 11мм дан кам бўлган ҳашаротлар билан бузилган ёки бошқа ифлосланиш миқдори 11% дан 30% гача киради.

Назорат учун саволлар

1. Қуён тивитининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
2. Тивитдан тайёрланадиган бўюмлар.
3. Қуён тивитнинг олиниси, унга қўйилган давлат андозаси талаблари қандай?

Мавзу: Қуёнчиликда наслчилик ишлари.

Режа:

1. Қуёнчиликда наслчилик ишларини ташкил этиш.
2. Қуёнчиликда баҳолаш ва танлаш
3. Урчитиш усуллари
4. Бонитировка
5. Бонитировкадан кейинги тадбирлар

Қўшимча адабиётлар.

1. И.Бодур., И.Кривчанский. Кролиководство, Тошкент. 1998 йил
2. И.С.Минина, С.В.Леонтьук. Как разводить кроликов. Москва. 1984
3. Т.Икромов Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши. Тошкент. 1983
4. Ж.Кушонов. Қуёнчилик. Тошкент. 1994
5. Сыроев В.С.Александров В.Н. Кролиководство. Москва. 1985 йил
6. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар

Таянч иборалар.

Қуёнчиликда наслчилик ишларининг ўзига хос хусусиятлари;

Наслчилик фермаси, насл ядроси, урчиши, танлаш-саралаш-жуфтлаш, оила ва қаторлар, генотипи-фенотипи, қуён танаси ва умумий баҳолаш, мутлоқ ва нисбий усиш, бонитировка элита 1,2,3 класслар, урчитиш усуллари, тоза қонли урчитиш, қаторлараро урчитиш-инбридинг, зотлараро чатиштириш, галма-гал чатиштири, қон синдириш ёки зотни ўзгартириш, қон қуйиш чатиштириш, янги зот яратиш мақсадида чатиштири, гетерозис, дурагай.

Наслчилик иши бу ҳайвонларни маҳсулдорлигини оширишга қаратилган ташкилий - зоотехния тадбирларнинг тизимидир.

Наслчилик ишлари барча қуёнчилик фермаларида, уларнинг катта-кичиклиги, ҳудудий хусусиятлари, ишлаб чиқариш йўналишларидан қатъий текшириш корхоналари ва насли қуёнларни етиштириб берадиган наслчилик хўжалилари муҳим ўринга эгадир.

Қуёнчилик фермаларида наслчилик ишларини тўғри ташкил қилиш, маҳсулотни кўпайтириш сифатини яхшилаш борасида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек урғочи қуёнлардан максимал миқдорда бола олиш, етилувчанлигини ошириш, ирсий хусусиятларини яхшилаш, ҳамда улар орасида олиб бориладиган селекция тадбирлари билан боғлиқ. Боқиладиган қуёнлар серпушт, мўйнаси сифатли гўштдор, ташки муҳит шароитига яхши мослашган, озикани яхши ўзлаштирадиган, ҳар жиҳатдан иқтисодий самарадорли бўлмоғи лозим.

Барча қуён зотлари бир хил иқлим, ёки боқилиш шароитига бир хилда мосламайди, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда бир хил имкониятга эга бўлмайди. Шунинг учун маълум иш бошлашдан олдин зотларни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Йирик наслчилик хўжаликларининг асосий вазифаларига боқилаётган қуёнларнинг маҳсулдорлигини ошириш, наслини яхшилаш, янги зот, юқори кўрсаткичга эга бўлган қаторлар бунёд этиш, элита қуён болаларини ҳар хил хўжалик фермаларига сотиш учун парвариш қилиш чора - тадбирлар киради.

Наслчилик хўжаликларида боқиладиган қуёнлар тоза ҳолда, яъни бошқа қуён зотлари билан мақсадсиз чатиштирмаган ҳолда урчитилади. Юқори маҳсулот кўрсаткичига эга бўлган қуён подаларини ташкил қилишда ҳар бир ферма ўз олдига қўйган маълум талаб ва режа асосида иш юритиш керак.

Бу борада наслдор эркак қуёнларни насл сифатига кўра тўғри танлаш, жуфтлаш ишларини тўғри ташкил этиш, ҳар бир зотни ўзига хос хусусиятларини барча бўғин авлодларда ўз ота ва бобо белгиларини тобора юқори даражада акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Бунда қариндошлик жиҳатидан яқин ва узоқроқ бўлган (инбридинг) вакил гуруҳларидан фойдаланиш мумкин. Баъзан қаторлар асосида қуёнларни урчитиш юқори даражада олиб бориш учун қаторлараро урчитишдан фойдаланиш мумкин.

Қуён зотларида қаторлардан ташқари оилалар ҳам мужассамлашган бўлади. Бунда оиланинг бош номдори ўзининг барча маҳсулдорлик сифатига кўра юқори кўрсаткичга эга бўлиши лозим.

Ўар бир қатор ва оила ўз фаолиятида 4-5 ва ундан ҳам кўпроқ насл бугин авлодларига эга бўлиши керак. Ҳар бир қатор ва оила бошлиқлари (асосчилари) нинг номи ва кўрсаткичлари ҳужжат асосида намоён этилиб турилиши лозим.

2. Қуёнчиликда чатиштириш асосий урчитиш усули бўлиб ҳисобланади:

1) Саноат асосида чатиштириш асосан товар хўжаликларида қўлланилади.

Бунда асосий мақсад саноат талабига кўра маълум бир маҳсулот

кўрсаткичини юқори даражада бўлган биринчи бугин наслларидангина фойдаланилади.

Бунинг учун 2, баъзан 3 хил куён зотлари ўзаро чатиштирилиб белгиланган мақсадга эришилади. Олинган дурагай куён болалари ўзларининг бир ёки хусусиятлари билан ота-оналаридан узиб кетади. Бир қанча кузатишлар натижасига кўра саноат асосида чатиштириш ишлари ижобий ва фойдали афзалликларга эга бўлган.

2) Галма-галлаб қочириш усулида ҳам куёнчиликда асосан товар маҳсулотига эга бўлган фермаларда фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул саноат асосида чатиштириш каби куёнларни гўшт ва мўйна маҳсулдорлигини маълум даражада ошириш омилидир. Чунки куп вақтда олинган куён болаларида гетерозис, яъни ота ва она хусусиятлардан ҳар томонлама юксак бўлган хусусият ифодаланади.

3) Зотини ўзгартириш, ёки қон сингдириш усулида икки ёки бир қанча зот куёнлар янги зот яратиш мақсадида ўзаро чатиштирилади.

4) Бу усулда содда ва мураккаб қисмга бўлинади.

А) содда усулда фақат 2 зот куёнлари ўзаро чатиштирилади

Б) мураккаб усулда эса бир неча зот вакиллари чатиштирилади.

3. Қон қуйиш мақсадида чатиштиришда асосий мақсад юқори сифатга эга бўлган куён зот вакиллари у ёки бу кўрсаткичи пасайиб қолганидагина уни юқори даража кутариш учун қўлланилади. Бунда урғочи куён зотининг асосий сифат белгилари сақланиб қолинишига ҳам аҳамият берилади.

Бунда 1 ва 2 бугин дурагайлари яхшиловчи зот эркак вакиллари билан чатиштирилади. 3 бугин вакиллари ўзаро бир-бири билан чатиштиришга тавсия этилади.

Масалан, калта жунли куёнлар мўйнаси яхши бўлсада, хаётчанлиги анча паст бўлган. Бунда хаётчанлиги яхши зот эркак куёни яхшиловчи бўлиб 3 чи бугингача ва кейин қўлланилади.

4. Янги зот яратиш мақсадида чатиштириш бир зот таъсирида иккинчи бир куён зоти сифатини тубдан яхшилашда, ёки зотсиз маҳсулдорлиги паст ҳисобланган куёнларнинг ҳар томонлама сифатини яхшилашда қўлланилади.

Бунда 1 чи бугин вакилларида 2 зот хусусиятлари деярли 50% дан ифодаланса, бу вакилларни яхшиловчи ёки уша зотнинг эркак вакили билан чатиштиришдан олинган 2 чи бугин вакилларида тозақонлик хусусияти 75% ни ташкил қилади. 3 чи бугинда эса бу кўрсаткич 87,5% ва нихоят 4 чи бугинда 93,75% ни ташкил қилади.

Бинобарин, олинган дурагайлар шахсан яхшиловчи зот хусусиятларининг барча кўрсаткич ва белгиларини ўзида намоён этади.

БОНИТИРОВКА деб хайвоннинг умумий кўрсаткичларига кўра унинг барча наслий қимматини баҳолашга айтилади.

Бонитировка куёнларда асосан қиш фаслида ўтказилиб яқунланади, чунки туллаш бу даврда сустлашади. Бонитировкадан олдин куёнлар ветеринария куригидан ўтказилиб касаллари алоҳида ажратилади.

Бонитировка маълумотлари асосида наслчилик ядроси тўлдирилади, жуфтлаш режаси тузилади, наслик қуёнларини ўстириш, наслик қуёнларни ўзаро олди-берди қилиш каби бошқа режалари тузилади.

Бонитировка маълумотлари асосида қуёнлар ЭЛИТА, 1,2,3 умумий класслари аниқланади. Насллик ядросидаги кунлар миқдори умумий подани тўлдирувчи ёш қуёнлар билан аниқланади, яъни хўжаликда булар 30-35% ни ташкил этиши керак.

Назорат саволлари.

1. Қуёнчиликда наслчилик ишларини қандай ташкил этиш лозим?
2. Танлаш ва саралаш ишларини изохланг?
3. Урчитиш усуллари қайси бири қандай мақсадларга қўлланилишини баён этинг?
4. Бонитировкани ўтказишдан мақсад нима?
5. Наслчилик ядроси қаерда нима мақсадда ташкил этилади?
6. Оила ва қаторларнинг фарқи нимада?

Мавзу: Қуёнчилик технологияси.

Режа:

1. Қуёнчиликда қўлланиладиган асраш усуллари:
2. Қуёнхоналарда зарурий микроиклим шароитлари.
3. Қуёнларни озиклантириш ва уларнинг ҳар хил физиологик ҳолатига кўра озиқага бўлган талаб меъёрлари.
4. Қуёнларни урчитиш ва ишлаб чиқариш тақвимини тузиш шартлари.

Қўшимча адабиётлар.

1. В.Н.Помытко - "Зоотехнические основы промышленного кролиководство", Москва, 1984.
2. Сысов В.С., Александров В.Н. - "Кролиководство", Москва, 1985 йил.
3. Икромов Т. - "Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши", Тошкент 1983 йил.
4. Кушонов Ж. - "Қуёнчилик", Тошкент, 1994 й.
5. Уткин Л.Г. - "Кролиководство", Москва, 1987 год.
6. Плотников В.Г., Ффирсова Н.М. - "Разведение, кормление и содержание кроликов", Москва, 1989г.
7. Минина И.С., Леонтьев С.В. - "Как разводить кроликов", Москва, 1984 г.
8. Бодур И., Кривчанский И. - "Кролиководство" Тошкент 1988 г.
9. Шеелъе Р. и др. - "Откорм кроликов", Москва, 1979 г.
10. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

Асраш ва озиклантириш технологик жараёнлари, ташқи қафаслар, турғун ҳолатдаги қафаслар, кўчма қафаслар, меҳнат унумдорлиги, қуён боқувчига юклама (бош сониди), катак усули, микроиклим шароити, ҳаво ҳаракати, ҳаво ҳаракати, ёруғлик коэффициенти, ёруғлик кунини, ҳаво ҳарорати, физиологик ҳолатлар, донли озиқалар, кўкат озиқалари, сабзавотли озиқалар, озиқа талаби, меъёри, ишлаб чиқариш тақвими.

Мустақил, бозор иқтисоди ривожланиши йўналишидаги Ўзбекистон шароитида қуёнчиликни жорий қилиш учун барча хўжаликлар ва муассасалар аниқ имкониятларига эга. Ана шу имкониятлар кенгрок ишга солинса, давлатимиз ҳам, хўжалик ва ташкилотлар ҳам катта фойда қўриб, кун сайин ўсиб бораётган аҳолини моддий талабларини қондириш борасида бевосита аҳолининг фаровонлигига хисса қўшиб, ҳукуматимизнинг мурожаатига муносиб жавоб берилган бўлади.

Қуёнчиликни ривожлантиришда бу соҳа ҳақида кишилар тушунча даражаси камлиги бўлса, иккинчидан қуёнларни асраш жараёнларни ташкил этиш муаммолари мавжуд.

Баъзи хўжалик, муассасаларидаги қуёнчилик хўжаликларида қуёнлар ерда атрофи сим турлар билан ўралган ерда боқилади. Биологик хусусиятлардан маълумки ёввойи қуёнлар ер қазиб уяда яшайдилар. Бу хусусият уй қуёнларига ҳам ўтиб, табиийки, улар ерни кавлаб уя қурадилар. Бундай ҳолларда қуёнларни ҳисобга олиш, эркак ва урғочиларни бир - биридан ажратиш, маҳсулот етиштиришни режалаштириш жуда кийинчилик туғдиради.

Бундан ташқари қуёнларни тунги ахлати анча юмшоқ бўлиб, кўпгина фойдали моддалар ичак орқали сурилишга улгурмайди. Қуёнлар ана шу ахлатини қайта ейди. Бу ходиса капрофагия дейилади. Бу ходиса бир томонлама фойдали, бўлиб яъни ҳар хил витамин, моддаларни қайтадан синтезланишига сабаб бўлади, иккинчидан ҳар хил касалликларга сабаб, айниқса, юқумли ва гелментоз касалликлар бирданига тарқалиб кетишга сабаб бўлади, қуёнлар тез орада кирилиб кетади.

Бундан ташқари зоотехник ҳисоб китоб ишлари издан чиқади. Ҳар бир зотга, ёшга, маҳсулдорлик гуруҳига таълуқли қуёнларни уруғлантиришда танлаш ва жуфтлаш имконияти бўлмайди.

Туғилган болаларининг сон васифат кўрсаткичларини баҳолаш мумкин эмас, хатто қуёнларни баъзиларида болаларини туғилганда еб қуйиш ҳолатлари мавжуд. Бундан холис этиш имкони ҳам бўлмайди. Умуман, зооветеринария қоидалари издан чиқиши маҳсулдорликни пасайтиради.

Шунинг учун замонавий илмий - амалий синовлардан ўтган асраш, озиқлантириш технологик жараёнлардан фойдаланиш зарур.

Технология жараён деганда-олдинга қўйилган мақсадга эриши учун бир-биридан кейин кетма-кет келадиган ва бир иш жойда бажариладиган ишлаб чиқариш жараёнинг тизими тушинилади.

Биринчи технологик жараён натижасида ишлаб чиқилган маҳсулот келгуси технологик жараён учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Масалан, комплекснинг ўзида ишлаб чиқилган омихта ем, навбатда турли ёшдаги физиологик ҳолатдаги қуёнлар учун озиқа сифатида фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг шакли деганда ишлаб чиқариш воситалари ва усуллариининг умумий ишлаб чиқариш жараёнларини ҳал қилишда этиладиган асосий мавқеи тушинилади.

Иш жараёни деганда-ишлаб чиқариш манбага таъсир қилувчи барча ишчилар томонидан бир иш жойда бажариладиган технологик жараёнинг ажралмас бир қисми тушинилади.

Иш жараёни бажарилиши натижасида қуёнларнинг жисмоний ва физиологик ҳолатлари ўзгариб боради.

Кунлик иш жараёни деганда ҳайвонларни озиқлантириш, суғориш, катакларини тозалаш, уларнинг ҳолатини кузатиб бориш каби ишлар тушинилади. Ҳозирги даврда хўжаликлар шароитида зооветеринария қоидаларига мос ҳолдаги қуйидаги уч хилдаги асраш усуллари мавжуд.

Ташки қафасларда асраш, асосан очик ҳавода, соя салкинроқ жойларда ўрнатишга асосланади. Бунда махсус ўлчам ва шакилларга эга бир неча хилдаги қафаслар қўлланилади. Қафаслар хизматчиларга унгайлиги ва санитария қоидаларига мослаб ердан 80 см баландликдаги ерга қўмилган ёғоч оёқларига ўрнатилади.

Қафаслар ташки муҳит шароитига кура 2 хил:

- а) турғун ҳолатда, яъни доимий бир манзилда муқум жойлашган бўлиб, қўчирилмайди. Совуқ пайтларда тўсиқлар билан ўраш мумкин.
- б) қўчма, яъни йилнинг илиқ фаслларда очик ҳавода ўрнатилгани ҳолда, кишининг совуқ даврида бинолар ичига қўчирилиши мумкин.

Умуман, ташки қафасларда асраш усулида меҳнат унумдорлиги нисбатан паст бўлиб, бир қуён боқарга 1500-1800 бош қуён беркитилиши мумкин.

Имкон бориша қуёнлар алоҳида-алоҳида тартибда, қафасларда бокигани энг маъқул усулдир. Ҳозирги вақтда бир неча хил қуён катаклари мавжуд. Хўжаликлар шароитида қафас уялари иккитадан қуёнга мўлжалланса материал анча тежалади. Битта қафаснинг майдони $0,5-0,7\text{м}^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

Қафаснинг узунлиги 2 метр, ичининг баландлиги 50 см, эни 55 см, бўлиб ҳар иккала қуён учун озиқа солинадиган қисми қафаснинг ўртасига жойлаштириладиган учбурчак симон оҳул бўлиши керак. Сув солинадиган идишлар ҳар бир қуёнга алоҳида бўлади. Донли озиқалар солинадиган оҳул алоҳида ҳар бир уяда жойлаштирилади.

Қуён катакларининг поли (таги) 2 кават бўлиб, устки олинадиган қилиб ясалган маъқул. Юқоридаги поли оралиғи 1-1,5 см қилиб рейкадан ясалади. Остки поли эса олдинга қараб 5 градус қия қилинади, сабаби қуённинг сийдиги шу ерга тўплайди.

Қафаснинг томи эса орқага 15 градус қия қилиб, қаттиқ, иссиқ ва нам ўтмайдиган материалдан ясалади. Олдинги томонига пешайвон сифатида 20-30 см чиқарилгани маъқул, ёғин сачрамаслиги учун ва қуёш нуридан ҳимоя қилади.

Хўжалик шароитига қараб икки ярусли олти ўринли қафаслардан ҳам фойдаланилади. Олти ўринли катакларнинг узунлиги 300 см, эни 110 см, баландлиги 185 см бўлади. Ҳар бир қуён учун хашак солинадиган оҳур алоҳида катак ташқарисига жойлаштирилиб қопқоқ билан беркитилади. Ёш қуёнлар онасидан ажратилганидан кейин жинси бўйича эркак ва урғочи

гуруҳларга ажратилиб алоҳида асрашиш керак. Буларни алоҳида қафаслар талаб этилади.

Бундай мақсад учун узунлиги 200 см, эни 100 см, баландлиги 50 см бўлган қафас мақсадга мувофиқ. Агар бўйи 400 см булса, ўртасидан ясли билан ажратилиб эркак ва урғочи қуёнлар боқилиши мумкин. Ёш қуёнларни гуруҳ холида боқиш учун янада оддийроқ бўлган қафасдан ҳам фойдаланиш мумкин. Қафаснинг узунлиги 200 см, эни 100 см, баландлиги 50 см, бўлиб ердан 80-100 см баланд бўлади. Бундай қафасда 15 дона ёш, ёки 10 дона катта қуёнларни сақлаш ва боқиш мумкин.

Шунингдек ёш қуёнларни ултрабинафша қуёш нурларидан фойдаланиш учун яйраш майдончасига эга бўлган катакларнинг ҳам бир неча хиллар бор.

II. Шед(сорой) усулида қуёнларни асраш тизими йирик ва ўртача қуёнчилик фермалари учун мўлжалланган. Бу усулда оддий механизациялаш, электрлаштириш, озиклантириш, сув билан таъминлаш, ахлат ва гунгини йиғиш каби ишлар анча енгиллашади. Ташки муҳит ёмғир, шамол, қор бўронлардан анча ҳимояланган бўлади.

Шед қурилмаси ёғоч каркаслардан, ички томони ёғоч каркаслардан, ёки темир бетон деворлардан қурилиб, ички томони бир неча қатор кун қафасларидан ташкил топган саройдан иборатдир.

Қафасларнинг эшиклари ичкаридаги йўлак томонидан очилган бўлади. Йўлакнинг эни 120-130 см бўлиб, икки томонга қавариқ қилинган бетондан иборатдир.

Шеднинг ҳажми унинг узунлиги ва жойлашган қафасларнинг миқдорига боғлиқ. Энг иқтисодий самарали Шеднинг узунлиги 60 м. дан зиёд бўлиши лозим. Шед қурилмаси бизнинг шароитимизда яхши натижа беради. Ундан кишда совуқ-30⁰С. дан паст бўлмайдиган ҳар қандай ҳудудларда фойдаланилса бўлади.

Шед (аорой) усулида меҳнат унумдорлиги анча ортган учун 1 қуёнбокарга 125 бош она қуён болалари билан (хаммаси $125 \times 30 = 350 - 4000$ бош) беркитилиши мумкин, ёки 70 ц гача қуён гўшти ($700 \text{ кг} : 2 \text{ кг}$) = 3500 бош етиштирилиши мумкин.

Шед усулидаги тизимда вояга етган қуёнлар урғочи ва эркаклари алоҳида индивидуал (айрим) ҳолда асарлади. Қафас тагини юза сатҳи 0,6-0,9 м² дан бўлиши мумкин.

Қафасларни шедлар ичида ҳар хил шаклда, бир ва бир неча ярус (қатор)да жойлаштириш мумкин. Ёругли тушувчи форточкалар, гунг ва сийдик чиқарадиган транспортёр, ёки оддий новлар ўрнатилади. Усти шифр билан ёпилади.

Қуён болалари учун 1 бошга 0,12 м², наслик болалари учун эса 0,17 м² майдон белгиланади. Бундай қафаслар узунлиги 1,7 м, эни 0,7 м, баландлиги 0,6 м бўлиши лозим. Бундай қафасларда маҳсулот етиштириш учун қуён болалари жинси бўйича ва наслик қуёнлар 5 бош урғочи, ёки 1 бош эркаги булак асралиши лозим.

Шед ичидаги йўлак бўйлаб релсли ёки осма ҳолатда 150 кг гача юк кутаришга мўлжалланган гилдиракли аравача ўрнатилиб, озиқани уяларгача келтиришга қўлланади.

Кейинги даврларда шед тизими такомиллаштириб, 400, 1200, 2400 бош она қуёнлар учун лойиҳалар ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалар ҳар хил табиий иқлим шароитидаги ҳудудларга ҳам мўлжалланган бўлиб, ҳаво ҳарорати - 30⁰С дан +35⁰С гача бўлган шароитлар ҳисобга олинган. Бундай шедларда технологик сақлаш миқдори бўйича асосий гуруҳ 1 бошдан, маҳсулот олиш учун қуён болалари бошдан, наслик қуён болалари эса 4 бошдан белгиланади.

III.Механизациялашган қуёнхоналарда асраш усулида меҳнат унумдорлиги янада ошиб, кейинги даврда 2000, 3000, 6000, 9000, 12000 ва 15000 бошга мўлжалланган мажмуалар лойиҳалари ишлаб чиқилган ва жойларда қурилиб фойдаланилмоқда. Бунда барча ишлаб чиқариш жараёнлари технологик жиҳатидан механизациялаштирилган, хатто озиқа таркатиш, суғориш, гўнг чиқариш, макроиқлим шароитлари ҳам.

Бундай мажмуаларда қуёнларни ёши, жинси, фойдаланилиш гуруҳлари бўйича алоҳида хоналарга, маъмурий, мутахассислик, озиқа ишловчи, кушхоналар, баъзан қуён ашёларини қайта ишловчи қўшимча корхоналар ҳам ташкил этилган бўлади.

Қуёнхоналарда микроиқлим шароитини доимий ҳисобга олиб бориш умумий технологик жараёнларнинг муҳим омилидир.

Ёпик қуёнхоналарда ҳаво ҳарорати лойиҳалари бўйича +10+15⁰С кўрсатилган. Лекин кишда +18⁰С, ёзда +25⁰С бўлиши керак. Шунинг учун баъзи йирик ёпик қуёнчилик комплексларида ўртача ҳаво ҳарорати +10+18⁰С ташкил қилади.

Ҳавонинг нисбий намлиги 60-80% ни ташкил қилади. Меъёрида ҳавода фойдаланиш учун қуёнхоналарда ҳаво сургич ва ҳайдагич парраклари жойлаштирилади.

Ҳавонинг қуёнхонадаги ҳаракати 0,3 м/сек. Шунинг учун бино ойналари дарчаларидан тўғри фойдаланиб, елвезак (шамоллаш) бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Қуёнхона ҳавоси таркибида аммиак гази 0,01 мг/л.дан ошмаслиги керак. Бунинг асосий сабаб қуёнхонадан гўнг ва чиқиндиларни ўз вақтида чиқармаслик бўлади. Шунингдек водород сульфид 0,015 мг/л. дан ошмаслиги керак.

Қуёнхонада ёруғлик 50 дан 100 люксгача белгиланади. Фақат муайян ёруғлик коэффициентигина эмас, ёруғлик кун давомийлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Ёруғлик кун 16-18 соатдан кам бўлмагани маъқул. Чунки қиш даврида кундузги ёруғлик 10 соатдан ҳам қисқариб кетади. Уни узайтириш маҳсулдорликка ижобий таъсир этади.

Қуёнхоналарда қуёнларни ҳар хил юқумли касалликлардан эҳтиёт қилиш учун санитария - гигиена қоидаларига аҳамият бериш лозим.

- 1) қуёнхона ва қафасларни ўз вақтида дезинфекция қилиш.
- 2) Қуёнхонага бошқа ҳайвон, паррандаларни келишига йўл қўймаслик.

3)Қоровул итни боғлик асраш ва 3-4 ойда 1 марта гельминтларини туширибтуриш. Ўлик ва пиширилмаган қуён гўшти, ички органларини итга бермаслик керак.

4)Қуёнхонага озиқаларни юқумли касалликлар бўлмаган худудлардан келтириш лозим.

5)Қуёнлар ичадиган сувни тоза идишларда сақлаш, уни кемирувчилар кушлардан эҳтиёт этиш лозим.

Қуёнлар кундузгига нисбатан кечаси кўпроқ озиқланади.

Қишда кўпроқ пичан, ёзда эса кўк озиқалар сарфланади. Донли озиқалар эрталаб берилгани маъқул. Кечкурун эса ширали озиқалар берилади.

Сабзавот, илдизмевалар яхшилаб ювилиб тозаланиб, майдалаб берилади. Демак, дон ёрмаси намланиб берилгани маъқул, чунки қуёнларни нафас йўллари безовталамайди. Картошка пиширилиб берилса, хазмланиши ошади ва зарарсизлантирилади. Пичан ва кўк озиқалар майдаланмай берилади. Узоқ сақланган кўк озиқалар берилмагани маъқул, заҳарланиши мумкин, ўриб келинган кўк озиқа едириш зарурати бўлса, қуруқ пичанга аралаштириб берган маъқулроқ.

Агар охирларда музлаган озиқалар, илдизмевалар бўлса олиб ташлаш керак. Заҳарли кўк озиқа (ўт) ларни қуёнлар емайдилар, ҳар эҳтиёждан итузум, айиқтовон, энчуп, дигиталис, зангпоя, соркибош, сутлама, қарғақўз, пиёзли ўсимликлар, картошка ва памидор палаклари каби заҳарли ўсимликларни бермаслик лозим.

Бўрдоқиланаётган қуёнларга ўткир хидли ўсимликлардан бермаслик керак, қуёнинг гўшtidан келиб қолади.

Болали она қуёнларга сув совуқ пайтларда ивитиб берилиши керак.

Бўғоз қуёнларга бўғозликнинг биринчи ярмида бўйдоқ давридагига нисбатан цион 30%, иккинчи ярим даврида 70% га оширилади. Бўғозлик даврида калцийли озиқалар миқдорини 1,5-2 марта ошириш керак.

Бола эмизиш даврида она қуёнга дастлабки 15 кунлигида рацион 2 марта, оталарида 3 марта, сутдан чиқиши даврида 4 мартагача оширилади.

Онасидан ажратилган қуёнчаларга уларни онаси билан бирга турган давридаги озиқаларни 2-3 хафтагача бериб турилади. Бир турдаги озиқадан иккинчи турдаги озиққа 5-6 кун давомида секин-аста ўтказилади. Бунда янги бериладиган озиқ миқдорини кўпайтириб, тухтатиладиган озиқа эса камайтириб берилади.

Онасидан ажралиб боқишдаги 2,5-3 ойлик қуёнчаларга силос ва кепак берилмайди. Силос қорнини шиширади, кепак эса кокцидоз билан оғришига олиб келиши мумкин. Қуёнчаларга 2 ойлиги дан дон ёрмаса бериш мумкин. Қуёнларга 1 шимдим туз ва бур беришни унитилмаслик керак.

Қуёнчилик хўжалигининг йўналиши, қуёнларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари бир-бирларини ҳисобга олган ҳолда йиллик урчитиш жараёнларини ўзига хос ишлаб чиқиш муддатлари, миқдори, гўштга топшириш каби она қуёнлардан умумий фойдаланиш тартибини белгилайди. Чунончи насилчилик хўжаликларида она қуёндан йилига 4 мартадан

оширмасдан бола олиш режалаштирилса, товар хўжаликларида, 6 мартагача бола олинади.

Хўжаликларда она қуёнларни уруғлантириш ва болалатиш мутахасис томонидан тузилган махсус уруғлантириш ва туғдириш календар талаблари осида бажарилиши лозим. Қуёнчиликда ишлаб чиқариш календари деб она қуёнларини уруғлантириш, болалатиш, болаларини онасидан ажратиш ва еш қуёнларни харажатга чиқариш йиллик режасига айтилади. Қуёнларни туғдириш муддатлари қуйидаги мулохазалар асосида белгиланиш лозим.

А) ёз фаслида бир марта туғдирилиб, гўштга топширилувчи ёш урғочи қуёнлар етиштириш мақсадида она қуёнларни ишлаб чиқариш йили учун биринчи уруғлантиришни шимолий районларда декабрнинг бошларида, жанубда декабр ойининг охирларида бажариш лозим.

Б) ҳар бир она қуён ҳисобига бир йилда 4 мартадан кам бола олмаслиги эришиш лозим. Бу эса хўжаликда мавжуд ишчи кучидан ва асбоб – анжомлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради.

В) она қуёнлардан охирги бола олишни шимолий ҳудудларида 20 августдан жанубий ҳудудларида эса, 10 сентябрдан кечиктирмаслик керак. Чунки қуён болалари бу муддатдан кеч туғилганда суст ўсади, озикага нисбатан кам қўшимча вазни беради ва келгуси ишлаб чиқариш фасли ёки йили учун она қуёнлари тайёрлашга салбий таъсир кўрсатади.

Қуёнларни уруғлантириш ва болалатиш календари ўртача (4 мартагача) ярим тиғиз (5 марта) тиғиз (6 марта) бўлиши мумкин.

Г) ярим тиғиз ва тиғиз болалатишда олдинги туғишларда камроқ бола ўстирган ва тирик массасини кўп камайтирмаган она қуёнлар фойдаланилади.

Тиғиз болалашда она қуёни тикканда кейин 2-нчи куни уруғлантириш лозим, яримтиғиз болалатишда эса, туққандан 15-20 кундан кейин қочирилади.

Қуёнларни тиғиз болалатиш календарида онасидан қуён болалари 28 кунлик ёшида, яримтиғиз болалатишда эса, 35-40 кунликда ёшида ажралиши белгиланади.

Она қуёнларни болалатишда баъзан бир марта тиғиз, иккинчи марта яримтиғиз кўринишда болалатиш ҳам мумкин ва йилни охирида, 6 марта бола олишга тўғри келади.

Ўртача (4 марта) календар ҳисобида болалатишда она қуёнларни туққанидан 60 кундан кейин, яъни қуён болалари онасидан ажралгандан кейин қочирилади.

Д) бир марта бола олинишга мўлжалланган урғочи қуёнлардан бола олишни фаслига мўлжаллаш лозим, чунки улардан олинган қуён болаларини арзон озикалар билан устирилиб, 120-135 кунлигида, юқори сифатли тери бериш даври сўйишга топшириш мумкин.

Гўшт – тери маҳсулот йўналишида зотлардан олинган қуён болаларини 4-5 ойлигида, яъни тулаш томон бўлгандан сўнг гўштга топшириш тавом этилади, шунингдек, тивит йўналишидаги қуён болаларини 4 ойликка яқин ёши қирқимидан (2 ойликдаги) сўнг анча ўсган бўлади.

Назорат саволлари.

1. Технологик жараён нима?
2. Қуёнхоналарда қандай асраш усулларида фойдаланиш лозим?
3. Қуёнларни зарурий микроиклим шароити қандай?
4. Қуёнлаврни озиклантиришда қандай озикалардан фойдаланилади?
5. Хўжаликларда ишлаб чиқариш тақвими қандай тузилади?

**Мавзу: Мўйна ҳайвонларининг ҳўжалик, фойда ва биологик
хўсўсиятлари.**

Режа:

1. Мўйнали ҳайвонлар ҳақида умумий тушунча.
2. Мўйнали ҳайвонларнинг фойдали кўрсаткичлари ва асосий биологик хўсўсиятлари.

Кўшимча адабиётлар.

1. Помитков В.Н., Дивеева Г.М., Уткин Л.Г., Юдин В.К. "Пушное звероводство и кролиководство", Москва, 1982
2. Вагин Е.А., Квапиль А.И., Клецкин П.Т., Уткин Р.Г. "Пушное звероводство и кролиководство", Москва, 1971.
3. Богданов О.П. "Ўзбекистон ҳайвонлари" (таржимонлари Р. Авизов, А.Шомахмудов), Тошкент, 1983
4. Ишунинг Г.И. "Промисловые животные Узбекистана" Тошкент, "Меҳнат", 1987.
5. Ционский Г.С., Руминская Е.И. "Любительское кролиководство и нутриеводство", Москва, "Урожай", 1982.
6. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

Қийматли мўйна ҳайвонлари, фауна дунёси, флора дунёси, талаб даражасидаги моддий товар маҳсулотлар, эволюцион тарахий тараққиёт, овчилик, броконерлик, интродукция ва акклиматизация, тутинликда урчитиш, эркин ҳолда урчитиш, нутрия (сув бобри), ондатра, тулки, Туркистон кул ранг тулкиси, Туркистон тоғ тулкиси, Караганка (караган тулки), Моногом болалаш, куйикиш.

Ўзбекистоннинг истиқлол туфайли эришган мустақил ривожланиши бозор иқтисодиёти йўналишида аҳолининг талаби даражасидаги моддий - товар маҳсулотларини мўл - кўллига билан боғлиқдир.

Аҳолини истеъмол талабини моддий таъминотининг асоси-қишлоқ хўжалигидир ёки аниқроқ айтганда ўсимликлар (флора) дунёси ва ҳайвонот (фауна) дунёси ҳисобига қондирилади.

Шунинг учун чорвадорларнинг асосий вазифаси барча ички имкониятлардан омилкорона фойдаланишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг табиати ва унинг ҳайвонот дунёси хилма - хилдир. Шумолий Устюрт ўлкасининг бепоён кенгликлари, жанубий-шарқда тоғларнинг қиррали чуққилари, шимолий-шарқда қизилқумнинг қумликлари қотган тўлкин каби чўзилиб ётибди.

Марказий Осиё худуди эволюцион тарихи тараққиётининг бир давриларида турли мамлакатлардан кўчиб ўтувчи ҳайвонларнинг макони бўлган. Шунинг учун Ўзбекистонимиз худудида нафақат Европа ва Марказий Осиё талуқли бўлган ҳайвонлар, хатто Африка ва Ҳиндистон каби жанубий Осиёдан ўтиб қолган хар-хил ҳайвонлар ҳам учрайди. Баланд тоғларимизда шимолий худудларга хос ҳайвонлар (оқсувлар, айиқ) сахро ва чўл худудларимизда ва тоғолди ялангликларида тропик мамлакатлардан келган ҳайвонлар (чиябўри, сиртлон), эчкиэмар, чархилон, майна кабилар учрайди.

Бу ҳайвонлар орасида фойдали ва зарарлилари мавжуд. Фойдали ҳайвонлар хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, қимматли мўйна ва сифатли гўшт беради ёки маданий экинларга тушадиган ҳашаротларни йўқ қилади. Зарарлилари маданий экинларни еб нобуд қилади, юқумли касалликларни кузгатувчиларни ташиб юради.

Бирон турдаги ҳайвоннинг фойдали ёки зарарли эканини аниқлаш учун унинг ҳаёт фаолиятини ўрганиш керак. Баъзи бирларининг арзимаган зарарини ҳисобга олиб, унинг муҳим аҳамиятли томонларини ҳисобламаймиз.

Зарарли ва фойдали ҳайвонларни урчитишни мувофиқлаштиришдан олдин уларнинг биологиясини яхши ўрганиш лозим. Жуда кам учрайдиган ва айни пайтда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни муҳофаза қилиш ишларини уларнинг сонини, биологиясини, тарқалиш жойларидаги ролини билмай туриб амалга ошириш мураккабдир. Мана шунинг учун ҳам мамлакатимизга таалуқли ўлкаларнинг фаунасини билиш керак бўлади.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Камдан - кам учрайдиган ва эндиликда бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш бўйича ишлаб кўриқхоналарда, хўжалик аҳамиятга эга бўлган ҳайвонларни (мўйнали ҳайвонлар, кушлар, заҳарли илонлар) муҳофаза қилиш эса махсус топшириқ асосида урчитиб кўпайтирувчи жойларда олиб бормокда. Ўзбекистонда ҳозир 10 дан зиёдрок кўриқхона ва 10 га яқин заказниклар иш олиб бормокда.

Шунингдек бошқа китъа ва мамлакатлардан махсус топшириқ асосида мўйнаси учун урчитиш мақсадида келтириб урчитилмокда (нутрия, ондатра).

Умуман, мўйнаси учун фойдаланиладиган ҳайвонлар Ўзбекистонимиз шароитида кемирувчилар туркумига қирувчи ондатра, нутрия ёки сув бобри кўпроқ урчитилса, йиртқичлар туркумига қирувчилардан тулки, алакузан, сувсар, кундузларни курсатишимиз мумкин.

Ҳозирги тадбиркорлик негизига асосланган бозор иқтисодиёти йўналишида қайта қурилаётган халқ хўжалигимизнинг ҳар хил шакилларида ташкил этилган корхоналари шароитида мўйначилик махсус турларини танлаб урчитишга кенг йўл очиб бериш чорва мутахассисларининг асосий бурчи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий базасини ихтисослашган қишлоқ хўжалиги (пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик, қоракулчилик) ва саноат корхоналари ташкил этади. Лекин республикаимизнинг ҳамма жойида табиий, иқтисодий шароит манбалари, аҳолини зичлиги қабила бир хил эмас. Чунончи Фарғона водийсида 1 км² га 170 га яқин киши тўғри келса, Қорақолпоғистонда 10 кишига ҳам тўғри келмайди, шунингдек ҳамма жойда бир хил ишларни ташкил этиш мумкин эмас. Ўзбекистон ҳудуди Марказий Осиёнинг ҳам қок ўртасида жойлашган, ер қуррасининг муҳим аҳамиятга молик бўлган зоогеографик улқасидир. Ўзбекистон улқасида 50 дан зиёдрок овланадиган ҳайвон турлари ҳисобга олинган. Буларнинг энг зарур мўйнабоп турларини қафасларда урчитиш асосида катта самарадорликка эришиш мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистонда йил сайин чўл, тоғ олди ва қуриқ ер, дарё атрофи чақалақзорларни қишлоқ хўжалик ерларини ўзлаштириб очиш натижасида ёввойи мўйна ҳайвонлари қамайиб кетмоқда. Бу ҳолат ҳам уларни қафаслардан ёки ярим эркин ҳолатда урчитишни тақоза этади. Бу масалада ҳозиргача Қорақолпоғистон жумҳурияси, Бухоро, Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги ишлар намунаlidir (ондатра, норка, нутрия).

Мамлакатимиз ҳудудидаги фауна (ҳайвонот) олами қучли ҳимояга муҳтож. Чунки ҳозиргача тартибсиз овланиш, браконерлик натижаларида деярлик кўпчилик кўпчилик мўйна ҳайвонлар йўқолиб кетмоқда. Шунинг учун мавжуд ҳайвонлар турларини рационал ҳисоб - китоб асосида урчитишимиз, қайта тиклашимиз ва меъёрий фойдаланишимиз лозим. Бу нарса ўз урнида давлат ҳимоясига олинган.

Шунингдек ҳозирги пайтда мамлакатимизда умумий фауна билан биргаликда мўйна ҳайвонларини ҳам янги турларини келтириб урчитиш интродукция (бирон иқлим шароитида яшайдиган ўсимлик ёки ҳайвонни иқлим бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичи) ва акклиматизация (янги иқлим шароитига мослаштириш, кўниктириш) йўли билан кўпайтирилмоқда. Бунинг учун уларни ўзларига мос шароит танлаши ва аста-секинлик бизнинг шароитимизга тўлиқ қуниктиришга эришишимиз лозим. Шунинг учун аввало уларни ўз ҳудудларида яшаб урчиган шароити яратилиши лозим. Агар табиий эркин шароитда бўлган бўлса, уларга ҳеч бўлмаганда ярим эркинликдаги назоратли шароит яратилади ва муҳофазага олинади. Унинг қушандалари йўқлигига қафолат ҳосил қилиш лозим.

Туткинликда урчитилаётган асосий мўйнабоп ҳайвонларга ҳозиргача нутрия (нутрия, сув каламуши) норка (қора кузан) тулки, қутб тулкиси (песец), собол кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Шундан бизнинг ҳудудимизда асосан нутрия, қисман норка ва тулки кабилар урчитилади. Республикамиз маҳаллий шароитлари урчитишга молик мўйнали ҳайвонларнинг ҳар бир тури ўзига хос умумий маълумотларга ва биологик хусусиятларга эга. Шунинг учун уларни алоҳида таъриф этиш маъқулдир.

Нутрия кемирувчилар туркумига, нутриясимонлар оиласи, нутрия авлодига киради:

Нутрия сув каламуши, ёки сув бобри деб аталмоқда асл ватани Жанубий Америка. Бу ҳайвон АҚШ, Канада, Англия, Франция, Югославия каби мамлакатларда, ҳамда собиқ совет иттифоқида иқлимлаштирилиб эркин ёки ярим эркин, шунингдек қафасли усулларда урчитилади. Собиқ иттифок ҳудудига 1940 йилларнинг бошларида (1930-1941) аргентина ва Парагвайдан келтирилган. Дастлаб Краснодар улкаси, Кавказ, Қозоғистон, Ўрта Осиё сув оқимлари ва хавзаларига эркин урчитиш учун қўйиб юборилган.

Ўзбекистонга 1950 йилда 105 урғочи ва 19 та эркак нутрия келтирилиб дастлаб қафас ёки тутқун ҳолда урчитилади. Кейин уларнинг 180 бош болаларини Сирдарё воҳасидаги Жаманкўл хавзасига қўйиб юборилади. Улар 1952 йилда Сирдарё оқимини 70-80 км. узунлиги бўйлаб энига эса 4-5 км кенгликда эркин урчиб кўпая бошлади.

1952 йилда Термиз ҳайвонот боғи Амударё ёқасидаги кўлларга эркин қўйиб, қисман ярим эркин ва қафасларда тутқин ҳолда урчитиб катта миқдорда мўйна етиштиришга мувоффақ бўлинди.

Шунингдек 1951-1956 йиллардан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа вилоят ҳудудларида урчитилиб иқлимлаштирилади ва яхши маҳсулот етиштиришга муваффақ бўлинди. Улар ҳозир Ўзбекистон сув манбалари шароитида яхши иқлимлашиб яшамокда. Табиий ҳолатда кўпроқ Термиз яқинидаги Амударё билан Сурхандарё сохилларида саргиш жигарранг тусда бўлиб, ташқи кўриниши жиҳатдан каттакон кала мушга ухшайди. Бу ҳайвон нутрия ёки маҳаллий тилда баъзан сув бобри номи билан аталиб келинмоқда. Танасининг узунлиги 50-65 см, оғирлиги 4-5 кг, айримлари 80 см. гача узунлик ва 10 кг гача хатто 15-16 кг тирик вазнига эга бўлади. Эркаклари урғочилардан биров 10-15% оғир ва йирикроқ бўлади ва узунлиги 90 см етади. Орқа оёқларидаги 4 та бармоқ сузгич пардалар билан бирлашган. Тумшуги япалоқ, узун-узун мўйловлари сезги туклари бор. Думи 30-35 см бўлиб, тук-кулранг тангачалар билан қопланган ёки сийрак соч толалар бўлади.

Нутрия табиий шароитда ботқоқлик ва сув хавзаларида яшайди. У сувда ўсадиган ўсимликлар илдизи билан озиқланади. Улар ярим эркинликда урчитилганда қиш кезлари маккажухори, сули, арпа, хашаки лавлаги, сабзи, хашак билан, ёз кезлари эса, ут, лавлаги ва сабзи палаги, қовун, торвуз кабилар билан боқилиши мумкин.

Қуёш чиқишдан олдин, эрта сахарлаб кўл сохилининг маълум жойларига овқат қўйиб чиқилади. Овқат бериш билан бирга, одатда қўғгирок

чалиб турилади, бунга хайвонлар тез ўрганиб қўғирок чалиниши билан овқат бўладиган жойга тезликда сузиб келадилар.

Улар инларини синган қамишлар ёки сув хавзаларининг бўйларидан кавлаб қурадилар ва шу жойда урчийдилар. Урғочилари йилига 2 марта болалаб, ҳар сафар ўртача 4-5 тадан кўпи 6-8 тагача туғади. Болалари очик, етилган жун қопланган ҳолда туғилади. Туғилгандан кейин бир неча соат ўтгач, улар ини (уяси)дан чиқиб, сузиб овқат ея бошлайди. Болаларининг онасини сутини эмиш даври 50-60 кун, 6-7 ойликда жинсий жиҳатдан вояга етиб қолади. Ўсиш 1 йилгача давом этади. Нутрия кўпи билан 4-5 йил умр кўради.

Нутрия йил давомида болалай олиш хусусиятига эга, лекин қиш даврида кўпайиш даражаси анча сусаяди. Яхши шароитда 5 ойлик даврида болалари жинсий қобилиятга эришади. Бўғозлик даври 128-133 кун. Яхши шароитда 1 бош урғочисидан 1 йилда 3 мартагача бола олиш мумкин.

Тулаш жараёни нутрияларда анча узайган ҳолда кечади. Хатто январ ойидаги териларида ёш килтик жун толалари учрайди. Жадал туллаш ҳолати сентябр ва октябр ойларида кузатилиб, нутриялардан ноябр, январ ойларида энг сифатли мўйна олиш мумкин.

Нутрияларга шагал (шакал), қамиш мушуги, итлар хужум қилиши, нобуд этиши мумкин. нутрияларда инсонда, итларда ва уй хайвонларида учрайдиган гельминтлар баъзи касалликлар учраши мумкин. Касалликлари тўлиқ урганилмаган.

Нутрияларда 16 га узакли жағ ва 4 та қирқувчи тишлари бўлади. қирқувчи тишлари ҳаёти давомида ўсиб туради. Шунинг учун катакларда асралганда жоғларини паст-баланд қисимларини бир-бирига қараб, ишкалаб, едириб туради. Табиий ҳолатда кемирувчилар қаттиқ материалларни кемириш билан тишини кайрайди.

Қирқувчи тишларнинг ранги уларнинг соғломлигини курсатувчи омилдир: агар очик апелсин ранг булса танасининг мустаҳкамлигини, нимхол буялган бўлиб, қирқувчи тишда қора доғлар бўлса соғлиги ёмонлигини билдиради. Ёш ва кекса нутрияларда қирқувчи тишлар ранги нимсариқ бўлади.

Нутрия ўзига хос анатомик тана тузилишига эга.

Эркакларида уруғдони чап қисмидаги тери остида жойлашиб, сувда узок турганда спермаларини хаддан зиёд совуб кетмаслигидан сақлайди. Урғочиларида сут безлари қорин қисмида эмас, балки танасини ёнбош қисмида жойлашиб 4 ёки 5 жуфт бўлади ва болаларига онасини унча чуқур бўлмаган сувларда эмиш имконини беради.

Нутриянинг қулоқлари калта, ташқи қисмида кам тукли, лекин қулоқ тоғайи ички томонидан қалин жун билан қопланган, бу ичида ҳавони сақлаб, эшитиш йўлагига сувни ўтмаслиги ва сув тагида ҳам эшитиш қобилиятини яратади.

Калласи кемирувчиларга хос, узунлиги 11-13 см, эни 1-8 см. пастки жағ яхшим ривожланган. Олдинги ва орқа панжаларида уткир, эгилган тирноқлари бор. Орқасидаги 4 та панжаси сузгич пардали, кули узун

қашилаш, тараш, озиқани оғзига олиш учун ишлатилади. Қурукликда нутрия секин ҳаракатлана олади, тез ва узоққа чопа олмайди.

Танасидаги жун қопламини мойлаш учун орқа чиқарув тешиги атрофидаги бириктирувчи тўқималарда махсус майсимон суюқлик ишлаб берувчи безлари бўлади.

Нутрияларда 56 умиртқа бўлиб: бўйнида 7 та, 13 та курак қисмида, 6 та бел, 4 та думғаза ва 26-27 та думида бўлади. Умиртқа суякларининг канали думининг 8 чи умиртқасида тугайди.

Уларда 13 жуфт кабирга, шундан 8 хакикий ва 5 таси етим қобирғадан иборат. Нутрияларда эшитиш қобилияти яхши, бироқ кўриш хусусияти анча паст ривожланган. Қорин тузилиши чўчқаникига хос-бир камерали, вояга етганларида, ҳажми 500 см³. озиқалар ёшларида ичак-қорин йўлида 24-30 соат, вояга етганларида 60-70 соатгача сақланиши мумкин.

Жинсий фаолияти эркакларида ҳамиша фаол бўлиб, урғочи нутрияларда ҳар 25-30 кунда (баъзан 14-16 кун ва ёки 35-40 кунда ҳам) куйикиш такрорланади. Тукқанидан кейин эса 1-3 чи кунлари яна оталанишга тайёр бўлади. шунинг учун лактация ва бўғозликни бир даврида ўтказиш ҳисобига 1 йилда 1 урғочи нутриядан 2-2,5 марта бола олиш ташкил этади.

Туғилган болаларнинг ўртача тирик вазни 175-250 г. (80 дан 380г. гача тебранишда) бўлади. эркаклари йирикрок. Нутрия болалари куён болаларига нисбатан секинрок ўсади. Энг жадал 1-4 чи ойликларида бўлиб 20-25 г. 7 дан ўртача ўсади ва 1 грамм қўшимча вазнига 4-6г. оз. бир. Сарфланади. 5-6 ойлигида ўсиш анча сусайиб, меъёردа 1,5-2 ёшгача ўсиш давом этиши мумкин.

Нутрияларда 3-7 ойлигида жинсий етилиш бошланиб, уларда 3 йилдан кейинги даврда такрор кўпайиш хусусияти пасаяди. Нутрия болаларида дастлаб чиққан жун толаларини ўсиши 40 кунлик ёшида тухтайди. Яна 10 кундан кейин бу жунлар дастлабқа тулаш натижасида янгилари билан алмашина бошлайди ва бу алмашилиш уларнинг 4-5 ойлик ёшигача давом этади. Иккинчи марта янгиланиб ўсиб чиққан жун қоплами сифати бўйича вояга етганларидан кам фарқ қилади.

Нутриянинг жун қоплами каттиқ коповчи сочсимон тукдан ва унинг тагидаги 93-98% майин бурама, ингичка тивит толаларидан иборат. Танасининг меъёрий ҳарорати 37-38⁰С. У куркок ҳайвон бўлиб, ушланган пайтида юрак уриши минутига 70-80 мартга етади.

Нутрия устидаги насл ишлари натижасида ҳар хил ранглилари яратилган.

Ондатра - кемирувчилар туркумига хомячи оиласига, ондатралар авлодиган таалуқли, сифатли мўйна берувчи, сув хавзаларида ҳаёт кечирувчи ҳайвондир.

Ондатранинг ватани Шимолий Америка (АКШ, Канада) Ўзбекистонда муффақатияли иқлимлаштирилаётган 3 та мўйнали ҳайвонларнинг биридир. Мўйнали ҳайвонлар фаунаси бойитиш мақсадида 1905 йилда Чехославакияга, кейин Европанинг бошқа мамлакатларига ондатра келтирила бошланди.

Собик иттифоққа 1927-1928 йилларда Канададан ок денгиз ороллариға келтириб, кейинчалик то узоқ Шарққача тарқалди.

Ўзбекистонға 1944 йилда Балхаш промхоздан дастлабки 355 боши Амударё узанларига келтирилди. 1946 йилдан бошлаб республикамизда овланувчи ҳайвонлар каторидан ўрни эгаллади. Амударё ўзанларига ҳам урчитиш учун қўйилди. Кейинчалик Сирдарё орқали бу кемирувчи жонивор Фарғона водийсига ҳам етиб борди.

Ондатра ўлчами бўйича нутриядан кичик бўлиб, гавда узунлиги 36 см гача, думининг узунлиги 21-29 см, дам сувда, дам қуруқликда ҳаёт кечиришга мослашган, думи икки ёнидан яссиланиб келган, орқа оёқларида сузгич пардалари бор, мўйнаси қалин, намланмайдиган ҳайвондир. Ранги жигар рангдан тўлиқ қора тусгача етади.

Ондатра куллар, дарёлар сохилларидаги инлари ёки уяларида яшайди буларни кўриб қолган ўсимликлардан ва чангалзорлар ўртасидаги балчикдан кўради. Шундай инларнинг асос томони 2 м гача, баландлиги 1-1,5м. гача бўлади. Қишда ўз фаолиятини сақлаб яшайди. Муз остидан тешик йўл очади.

Ондатра сувда ва сув бўйида ўсадиган ўсимликлар билан, асосан қамиш билан озиқланади. Онда-сонда балиқни тутиб есада, чавак балиқларга ва увилдиришга (тухумга) тегмайди.

Ондатра йилига 2-3 баъзан 4 марта болалайди. Ҳар сафар 4-12 (баъзан ундан кўп) бола туғади. Болаларини 21-25 кун сут билан бокади. Ондатралар сувдаги музлар эриб тугагач уруғланишга тушади. Жуда барвақт баъзи январ ойининг иккинчи ярмида кузатилган. Бўғозлик даври ўртача 25 кун. Жанубий районларда дастлаб февралнинг охирларида болалагани кузатилади, энг охири болалаш октябрнинг бошларида бўлади. Ноябрь ойидан бошлаб эмизикли урғочи ондатра учрашмайди.

Туғилган болалари нимжон, ялонғоч бўлиб, тез орада жун билан қопланади, 40-45 кунликда бирламчи жун қоплами иккиламчи туклар тўлиши бошлайди.

Баъзи урғочи болалари 3-4 ойлик бўлганда, эркаклари 8-11 ойдан кейин вояга етади. Ондатра танаси ҳаётнинг иккинчи йилида ўзининг роса катталигига етади. Йил бўйи туғилган болаларининг ҳаммаси то келгуси йил баҳоргача ота-оналари билан бирга яшайди. Ондатранинг табиий шароитдаги умри 3-4 йилигача, кейинги пайтда 6 йилгача давом этиш кузатилмоқда.

Ондатранинг териси пишиқ, чиройли, 1984 йилдан бошлаб собик иттифоқ ондатра тайёрлаш бўйича жаҳонда 1 чи ўринни эгаллаб келган 1956 йилда биргина Қорақўлпоғистонни ўзида 1 миллион дондон кўпроқ тери топшириб, Қорақўлпоғистон ҳудудидаги қоракўл қўйларидан ҳам кўпроқ даромад берди.

Қорақўлпоғистонда урчитилган ондатра терисини сифати ва терисининг катталиги жиҳатидан жаҳонда биринчи уринларда туради. Амударё ўзани ўзгариб қолгандан кейин бир канча ирмоқ куллари саёзлашган ва кўриб қолганлиги сабабли кейинги пайтларда Қорақўлпоғистонда ондатра тайёрлаш 10 барабардан кам кўпроқ камайиб кетди. Ҳозир қўллардаги сув сатхларини

аслига келтириш чора-тадбирлари, ондатра каби мўйна хайвонларни яшашига қулай шароит яратилмоқда.

Тулки сут эмизувчилар синфига, йиртқичлар туркумига, итлар оиласига тўлиқсимонлар авлодига қирувчи мўйнабоп машхур хайвондир.

Бу турдаги хайвон деярлик барча қитъаларда алоҳида фарқ қилувчи турлари билан кенг тарқалган. Ер юзида 45 га яқин тури бўлиб, Ўзбекистонда улардан 3 та тури учрайди.

1. Туркистон кулранг тулкиси Эрон, Туркменистон, Қорақумдан устюрт ўлкасигача, Афғонистон, Тожикистон жанубий текисликлардан то Ўзбекистоннинг Сурхандаре ва Қашқадаре вилоятларигача бўлган текисларда учрайди.
2. Туркистон тоғ тулкиси асосан жанубий Қозоғистон тоғлари, ғарбий Хитой Ўрта Осиё тоғларида, Ўзбекистоннинг Чотқол қоялари, Фарғона ўлкаси атрофидаги тоғлар, Хисор чўққилари ва бошқа Туркистон баландликларида учрайди.
3. Караганка Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг чўл ва ярим чўл ҳудудларида урчиб Ўзбекистоннинг Устюрт ўлкаси, Амударё ўзани, Қизилқум, Мирзачўл ва Тошкент атрофи кенгликларида кўп учрайди.

Тулки танасининг ўртача узунлиги 65-80 см, думининг узунлиги 40-50 см. Эркалари 6-10 кг, урғочилари 5-6 кг бўлади. Танасининг устки томони ва икки ён томони сарғишнамо-малла тусда, думини пастки ва уч томони оқроқ бўлади.

Ўзбекистонда тулкилар сархорлар, тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшасада, кўпинча қишлоқ ва катта-катта шаҳарлар атрофига ҳам мослашган ҳолда яшайди. Ёзда фақат кечаси ҳаёт кечирса, қишда кундузлари ҳам ҳаракатда бўлади. Улар хайвон овқатлари билан озиқланади ва сичқонлар, қўшоёқлар, юмронқозиқлар, кунғизлар ва чигирткалар билан озиқланади. Баъзан какликлар, турғайлар ва бошқа кушларни тутиб ейди. Гоҳо ёш жайронларга хужум қилади. Қишлоқлар атрофида товукларни олиб кетади.

Бундан ташқари ўрик, олча, жийда тўкилган олма, ноклар, узум писта ва бошқа мевалари ҳам еб кун кўради. Эрта баҳорда хар хил майин майса ўтларни ҳам ейди. Суғориладиган ариқлара сув сатхи пасайиши билан ондатра, балиқлар сув жиҳозларини ҳам ушлаб ейди.

Тулки урчиш хусусияти бўйича моногамдир, яъни, йилига бир марта болалайди. Жуфтланадиган вақти январнинг охири, феврал бошларида. Эркалари урғочисини талашиб қаттиқ олишади. Ғолиб чиққан урғочиси билан яшаб кўриқлаб туради. Эркаги урғочисини ғамхўрлик билан парвариш қилиб, унга овқат келтириб туради ва бургаларини теради. Урғочиси баъзан бир неча болалайди. Бўғозлик даври ўртача 50-52 кун. Жинсий куйиқиш (течка) тулкиларда 7-11 кун давом этиб, учарши хохиши 2-3 кунни ташкил этиб, ўша кўзлари юмуқ ва қулоқ тешиклари берк бўлади. 15-19 чи кунда куз ва қулоқ уйнаш учун чиқиб туради. Тулки инининг чуқурлиги 2-2,5 м, йўлакларининг узунлиги 5-6 м, бўлади. болалари 1,5 ойгача сут эмади.

Лекин ота ва она тулкилар болаларини кўзи очилган, шу даврда аввал баланд жоғида, 3-4 кундан сўнг пастки жоғда тишлари ҳам чиққан бўлади, шу

дварда ҳар хил ҳайвон озиқаларини келтириб уларни ейишига ўргатади. Болалари сентябр-октябр ойларида бошлаб уядан кетиб мустақил ҳаёт кечиришга утади. Ноябрь ойларида бошлаб етук ешдагилардан фарқ қилмайди. Баъзан болалари 9-10 ойлик даврида жинсий етилган бўлсада, тулки болалари 2-чи йилнинг охирларида тўлиқ етилган ҳисобланади. Тулки бир талай кемирувчиларни йўқ қилиб, қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

Мўйнаси жуда қадрланади. Ўзбекистонда мўйна тайёрлашда тулки териси ондатрадан кейин 2 чи ўринда туради. Тулки Ўзбекистонда ов қилинадиган асосий объектлардан биридир. Уларни қўлда тутқин урчитиш ишлари анча жонланган.

Паррандачилик, ондатратчилик хўжаликларида яқин жойларда ярим эркин ёхуд тутқинли усулида тулкичиликни ташкил этиш аҳамиятлидир. Тулкилар 1 йилда 2 марта тулайди. Бу яшаш жойи, иқлим, организм ҳолатига боғлиқ. Ўзбекистонда қиш илиқ бўлса феврал ўрталарида, совуқ бўлса феврал охирларида тулкиларда туллаш ҳолати сезилади. Июнда танаси калта, сийрак, туклар билан қопланади. Август ва сентябр ойларида келиб мўйнасида жунлар ўсиб текислаша бошлайди, лекин ҳали тагида тивитлар ўсмаган бўлади. Ноябрь ойларида тулки териси тигиз мўйна билан қопланади. Шу даврдан феврал бошларигача мўйнаси 1 навга қабул қилиниши мумкин.

Назорат саволлари.

1. Мўйнали ҳайвонларнинг қандай хиллари Ўзбекистонда мавжуд?
2. Мўйнали ҳайвонлардан қандай фойдаланиш омиллари мавжуд?
3. Мунйали ҳайвонларни урчитиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
4. Мўйнали ҳайвонлардан ондатра, нутрия каби турларини асосий биологик хусусиятларини баён этинг.

**Мавзу: Мўйна ҳайвонларидан маҳсулот олиш ва
урчитиш асослари.**

Режа:

1. Йиртқич мўйна ҳайвонлари билан муносабат ва хавфсизлик техникаси чоралари
2. ҳайвонларни қочириш (уруғланиш, жуфтлаш) га тайёрлаш ва уни ўтказиш.
3. Мўйна ҳайвонларнинг бўғозлик даврлари ва бошлаши.
4. Мўйна ҳайвон ёш болаларини етилтириш.
5. Ҳайвонларда мўйнасининг етилганлик белгилари ва сўйиш қоидалари.
6. Териси ажратиш ва дастлабки ишлаш

Қўшимча адабиётлар.

1. Вагин Е.А., Квапиль А.И., Клецкин П.Т. Уткин Л.Г. Пушное звероводство и кролиководство. Москва, Колос, 1971
2. Помытко В.Н., Дивеева Г.М., Уткин Л.Г. Юдин В.К. пушное звероводство и кролиководство, Москва, Колос, 1982
3. Кафедрадаги мавжуд ишланмалар.

Таянч иборалар.

Ҳайвонларни хулқий ҳолати, безовталантирмаслик, юввош ҳайвонлар, йиртқичлар, кўчма яшиқлар – қафас, қопчиқча, бўйин тирик тахтаси, йиртқич тишлари, йўл-йўрик ўтиш, жинсий тизим.

Хайвонлардан сифатли ва унумли чорва ёки мўйна хомашё маҳсулотларини етиштиришга уларга осойишта муносабатда бўлиш, уларни безовталантирмасдан хизматчиларга тез орада мослашиб ўрганишига сабаб бўлади. Шунинг учун хайвонларга бўлган барча муносабат, ғамхўрлик уларни кишига тезроқ мослаша олишига қаратилиши лозим.

Хайвоннинг феъли, хулкий ҳолати билан маҳсулдорлиги узвий боғлиқ, чунончи юввош хайвонлар, ўта осов, сержахл хайвонларга нисбатан яхши урчийди.

Уларнинг тинч дам олиш давларида ташқи шовқинларга ўрганишини таъминлаш лозим. Мўйна хайвонларининг асосий қисми йиртқичлар ҳисобланади. Уларнинг кишиларга нисбатан баджахл бўлиши кўпинча уларни ушлашда танасини оғритиш сабабли, улар билан ишлаш қийин бўлади. Шунинг учун улар билан ишлашда ҳар хил асбоб-воситалардан фойдаланиш лозим.

Тулкиларни махсус кўчма яшиқларда туғиш ёки олиб юриш лозим. Уларга махсус уйча ва қафас ҳам қўлланилади. Хайвонларни ушлашда уларнинг тумшуғи махсус қопчиқ билан беркитилиб, бир қўл билан унинг боши ушланиб, иккинчи қўл билан ёл қисми ушланади. Кейин ёл қисми бўшатилиб, ўша қўл билан унинг кафтлари маҳкам ушлананилади.

Баъзан тулкиларни махсус бўйинидан қисиб оловчи тахтада ушланади. Бунда уларнинг тумшуғи бинт билан тезда ечила оладиган қилиб боғланади. Акс ҳолларда ўзини тилини тишлаб олиши мумкин.

Норкаларни ферма ичида олиб юриш учун махсус кўчма яшиқ (қафас) қўлланилади. Норкани ушлаш учун диаметри 20-25 см лик симли турдан фойдаланилади.

Норка, собол каби мўйна хайвонларининг тумшуғи калта бўлгани учун уларнинг тумшуғини бинт боғлашда йиртқич тишлари орқасига кўндаланг таёқча қўйиш лозим, бу устки жағни қўшиб боғлашга қулайлик яратади.

Нутрияни анча хавфсизлигини инобатга олиб, таёқча билан бошини бошқариб, иккинчи қўл билан думини ўртаси, ёки учидан, секин ушлаш мумкин. Кейин улар олдинга ҳаракат қилган пайтда думи ва орқа оёқларидан бирга ушлаб, бир қўл билан қорни еки кўкрак қисмиданг айлангириб кўтариб олиш мумкин. Узоқроқ масофаларга эса нутрияни қопда ташиш лозим. Нутрия думидан бирдан қаттиқ тортмаслик лозим акс ҳолда бўғозлари бола ташлайди. Умуман бу хайвонларни қафас, тур қопга солиш ва чиқаришда қўлқоп кийин лозим, тарозида тортиш, ташиш каби ишларда кўчма қафаслардан фойдаланилади.

Хайвонбоқар ишни бошлашдан олдин бутун қоидалар билан танишиш учун унга йўл-йўриқ берилади.

Йиртқич мўйна хайвонларни урчитишда жуфтлашга тайёрлаш, қочириш, бўғозлик ва туғиш, ёш болаларини, етилтириш, вояга етган хайвонларнинг тинч даври муддатларига бўлинади.

Хайвонларни қочиришга тайёрлаш вояга етмаган урғочилари болаларидан ажралгач ва навбатдаги жуфтланишига тайёрланади.

Бунда асосий шарт тўла қимматли озиқлантириш ва тўғри асраш билан боғлиқдир. Шунингдек ҳар ойда 1 марта назорат тортиш орқали вазнини ўзгаришини кузатиш билан ўтказилади.

Нутриялар тирик вазни, мавсум ўзгаришига боғлиқ бўлиб, унчалик тез ўзгармайди. Урғочиларининг тайёрлов давридаги вазни 5 кг эркалари 6 кг дан толиққан, орриқ бўлади. Улар 10-15 кун кучайтирилган рацион асосида озиқлантирилади. Уларнинг семизлиги ўртача бўлгач жуфтлашга қўйилади.

Йиртқич мўйна ҳайвонлари жинсий аъзоларининг ёз давридаги фаолияти суст бўлади. Уларда августни охири-сентябр ойларида жинсий фаолияти кучаяди. Хатто норкаларда жинсий аъзолари фаолияти ноябрь-декабрь ойларида бошланади. Урғочи норкаларда жинсий аъзолардаги куюкиш олди фаолиятларини ўзгариши ва эркаларининг уруғи пайдо бўлиши январ ойларида тўғри келади.

Тулкиларда эса бундай фаолият декабр ойининг охирларида билинади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларни қочиришга тайёрлашни, июл ойининг охири, августдан бошлаш лозим. Аксинча тайёрлаш муддати қисқариб, жинсий аъзолар фаоллашаолмайди, урчиш меъерда бўлмайди. Яхши озиқлантирмаслик ва тўла сифатли озиқа бермаслик жинсий фаолиятга, бўғозликка ва туғишга салбий таъсир этади.

Аксинча хаддан ташқари озиқлантириш ҳам, айниқса эркак жинсларга ёмон таъсир этади. Ойма-ой тарозида тортиш, кўз билан чамалаб қўл билан силаб, семизлик даражаларни аниқлаб бориш лозим. Йил бошида ҳайвонлар асосий подаси қайта тикланиб, ўрнига қишги узун жунлар вақтида чиқмаса, танасида бузилиш борлиги бу ҳол урчитишда салбий таъсир кўрсатади. Ёш эркак ва урғочи мўйна ҳайвонларининг урчитишга таёрлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар 1 январдаги, тирик вазни, ҳолати вояга етганларидан фарқ қилмаса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Четдан келтирилган насли ҳайвонларни кечиктирмасдан фойдаланиш лозим. Улардаги ўзгаришлар кузатилиб, урчитишга салбий таъсир бўлмаслиги лозим. Норка (ёки бошқа ҳайвонларни) совуқ пайтида уяси иситилиши, боқувчи уни хашак, похол билан ўраб туриши лозим, шамолаб қолишдан сақлаш эътиборга олинади.

Қочиришга тайёрлаш якунида ишчилар қафас ва уларни тамирлаши, ветеринарлар вакцинация қилиш, қонини текшириши уяларни дезинфекция қилиши, урғочи ва эркак ҳайвонлар уялари текширилиб, ҳайвонларнинг маълумотлари ёзиб қўйилади.

Қочиришдан олдин эркаларини уруғдонлари силаб текширилади, улар яхши ривожланган, осилган ва ҳаракатли, буш, бир хил бўлиши лозим.

Урчитишни ўтказиш урғочи ҳайвонда жинсий алоқа қуйиқиш бошланиши билан боғлиқ, бу пайтда эркаларида уруғлантириш фаолияти тезлашади.

Зотехниклар жуфтлаш режасига кўра ҳайвонларнинг ота-онаси ва уларнинг ўзаро қариндошлик алоқаларини аниқлайдилар.

Қочириш эрталаб ёки тушқи овқатланишдан 30-40 минут кейин руй беради.

Эркак хайвон бир кунда жуфтланиш ораларида икки соатдан дам олиши билан 2-3 урғочи хайвони уруғлантириши мумкин.

Норкаларнинг жуфтланиши бир неча усулда ўтказилади.

- А) Эркак орқалар асралиб боқилаётган шеднинг ўрталигида бир жойга йиғилади, урғочилари алоҳида туради. Хайвонбоқар ҳар бир белгиланган урғочига эркак хайвонини олиб бориб беркитади ва уларни ҳолатини кузатади, агар улар узоқ вақт талашса ёки этиборсиз туришса улар алмаштирилади.
- Б) эркак норкалар шеднинг бир неча жойига гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштирилади. Бунда анча меҳнат осонлашсада, уларнинг хулқини ўзаро солиштириб кузатиш анча қийинлашади.
- В) эркак норкалар беш бошдан шеднинг ҳар хил жойидаги урғочилари учун белгиланган гуруҳ бўйича жойлаштирилади. Назорат учун хайвонбоқар бутун шед бўйича юриб туришга тўғри келади.
- Г) Норкачиликда қочиришнинг "Қувурли" усули қўлланилади. Бунда махсус 6 дона тўрсимон қафаслар озиклантириш йўналиши бўйича бирлаштирилган бўлиб, қувурлар кесими 15 x 15 см. Бундай ҳар бир қафаснинг турсимон қувурига очилувчи ва ёпилувчи дарчаси бўлади. 1 тасида эркак ва 5 тасида урғочилари жойлаштирилиб, ўзига беркитилган режали урғочисига қувур дарчаси орқали беркитилиб ажратилиб қўйилади.

Агар урғочиси куйикишга келган бўлса, жуфтлашса, шундан кейин эрка норка ўзининг уйчасига хайдаб ўтказилади.

Агар қўйикмаганига тўғри келган бўлса, бошқа урғочиси уясига ўтказилади. Норкаларни қочириш давомида бир неча бор куйга келиши кузатилади. Ҳар бир давр 1-2 кун давом этади ва ноаниқ ичида яна такрорланади, кўпинча 7-10 кундан кейин, муддат охирига эса тез-тез келади.

Биринчи жуфтлашишдан кейин, кўпинча 7-10 кундан кейин яна 2 марта эркаги билан қўшиб оталанганлиги аниқланади, бунда улар 2 кун узлуксиз учрашувда бўладилар. Баъзи хўжаликларда учинчи марта 1 чи қочирилгандан кейинги 14-16 ичи кунларда қўшиладилар. Агар биринчи жуфтлашув қочириш даврининг охирида бўлган бўлса, 3-4 чи кунларда яна такрорий муддатла такрорланиши ҳисобга олинган ҳолда 3-4 кунларда яна такрорий ўтказиш лозим.

Норкаларда жуфтланиши 20 минутга яқин давом этади, баъзан бир неча минутдан 1,5-2 соатгача давом этади. Қочириш даврининг охирида кам ҳаракатчан ва фаолияти сут эркак норкалар пучакка чиқарилади ва сўйилади. Тулкиларда ва куйга келиш 7-11 кун давом этади ва урчиш даврида 1 мартагина юзага келади. Хақиқий куйикиш 2-3 кун давом этади. Урғочи тулкиларда куйикиш ва мойиликни жинсий аъзосини ташқи лабларини ўзгаришидан биладилар.

15-20 январдан бошлаб узлуксиз 2-3 кун оша жинсий аъзосини ташқи ҳолати кузатилади.

Биринчи даврда жинсий аъзо атрофи 1-2 кунлик ҳолати ҳисобга олинади. Бунда ранги оқарганроқ ва озгина шишганлиги билинади. Сийдигини рагида ўзгариш рўй беради.

Иккинчи давр ҳам 1-2 кун давом этиб ташқи жинсий аъзо атрофи шишган бўлади.

Учинчи давр жинсий мойилликга ўтиш даври ҳисобланиб, ташқи жинсий авж кучли шишади кавариқ бўлади.

Бу давр 1-2 кун давом этади.

Тўртинчи давр оталанишга тайёр ҳолати бўлиб, ташқи жинсий аъзоси айланма шишиб, каварган, қорамтир рангли, маълум миқдорда оқиш шилимшиқ оқиб тургани билинади. Эркаки яқинлашганда бир четга буради. Бу 2-3 ун давом этиб бунда мойиллик билан жуфтланади.

Бешинчи давр - осойишталикни бошланиши. Шиш пасая бошлайди, Бу давр бошларида ҳам қочириш мумкин, лекин кўпинча натижасиз бўлади. Бу даврдан кейин урғочи тулки эркагини эктирмайди ва ирғитмайди.

Урғочи тулкилар асралиш жойида уларнинг номерлари билан дафтарлар бўлиши лозим. Бунда куйиқишни ўтиши, давомийлиги, жинсий аъзоси ўзаринг ҳолатлари ёзиб борилади.

Тулкиларни қочириш 2 усулда ўтказилади:

1. Урғочи тулкини жинсий аъзосининг ўзгариши кузатилиб, куйиқиш бошланишига кўра 1 кундан сўнг белгиланган эркак тулки қўйилади ва қочирилади.
2. Урғочи тулки жинсий аъзосини ҳолатига эътиборсиз ҳолда белгиланган эркак тулкига ҳар 1-2 кунда учраштирилади. Жуфтланиш бир неча минутдан 2 соатгача давом этади. Уларга ҳалақит бериб ажратмаслик керак.

Нутриялар йил давомида урчиш қобилятига эга, бироқ уларни одатда 5-8 ой давомидагина қочирилиб жуфтлаштирилади. Куйиқиш тукқанидан кейин 2-3 кунда бошланади ва 23-33 кунлардан кейин такрорланади. Жинсий мойиллик 1-2 кун давом этади. Нутрияларда қочириш бир неча усулларда ўтказилади.

1. Уюрли усулда қафасга 8-10 бош вояга етган ёки еш урғочи нутрияларга 1 та эркак насли нутрия қўйилади. У куйга келганларни уруғлайди. 2 ойдан кейин урғочи нутрияларни бададонини пайпаслаб бўғозлиги аниқланади. Бўғозларини бачадон қисмида майда янғоқ доналаридек катталиқдаги нарсалар билинади. Бўғозлари алоҳида қафасларга солинади. Қолганлари қўшимча қочирилади. Бу усулни нутриялар лактация даврида қўллаб бўлмайди.

2. Қўшимча қўшиш усули: бунда болалаган урғочи нутрияларни 3 кун давомида узлуксиз эркакига қўшилиб турилади. Бу биринчи кунданк бошланиши зарур. Урғочи нутриялар уруғланганлигида қатъий назар тукқанидан кейин 24 чи кундан яна 6-8 кун давомида узлуксиз эркаки билан бирга қўйилади. Уларнинг учунчи куйга келиш циклида бўғозлиги аниқланиб, бўғозлари эркакига қўйилмайди. Бўғоз бўлмаганлари яна эркагини олдида 12-14 кун давомида узлуксиз қўйилади.

Бу усуlining камчилиги меҳнат сарфини кўплигидир.

3. Аралаш қочириш усулида кўпинча уюрли ва қўшимча қўшиш усуллари омихталаштирилади, яъни аралаш қилиб қўлланилади. Эмизувчи нутрияларни эркагини қафасига яккама-якка қўшиб қочирилади. Оталанмаганлири эса болалари ажралгандан сўнг уюрли қочириладиган қафасларга қўшиб қўйилади.

4. Эркин қочириш усули асосан ёш нутрияларни (5-6 ойдан ошган) қочириш учун қўлланилади. Бир айланма тўсиқ ичига 30-60 бош урғочи ва бир неча (168-12) эркак нутрия қўйилади, уларни 40-50 кундан ва яна хар 10-15 кундан кейин бўғозлари аниқланиб алоҳида қафасларга ажратилиб турилади.

Мўйна ҳайвонларининг бўғозлиги ва болалиши яхши озиқлантириш, асраш ва тўғри қочириш кабиларга боғлиқ, камчиликлар кўпинча хўжаликларда 5-20% гача кам бола олинисига сабаб бўлади.

Норкаларнинг бўғозлигини 36-80 кунгача давом этади. Бундай катта фарққа тухум хужайранинг яширин даврида бачадон шохларида ёпишмасдан муаллақ юргани оиладан боғлиқдир. Кўпгина норкалар 50-54 кунда болалайдилар.

Норкаларни ташқи томонидан бўғозлигини аниқлаш мушкулроқ. Уларда кунига 10-15 кун қолганда корни катталашади, секин ҳаракатланади, туллаш бошланади, кўзини атрофидаги қопловчи жунлари тулаб "кўз ойнак" шаклини эслатади.

Норкалар похол тўшалган уйчаларда болалайди жуда кўп ҳолда улар 25 апрелдан 10 майгача туғади. Тулкинларда бўғозлик 51-52 кунгача баъзан 49-54 кунга етади. Уларда бўғозлигини охириги қочирилгандан кейин 24-26 чи кунларда пайпаслаб аниқлаш мумкин. Эрталаб озиқлантириш ва суғоришдан олдин аниқланса, занжирсимон нарса бўлади, акс ҳолда яна 2-3 кундан сўнг аниқланганлиги маъқул.

Болалашдан 10-15 кун олдин уялари тозаланиб дефезинфекцияланади, иссиқ-уруғ сомон ёки похол, қиринди тушалади. Тулкилар кўпинча 10 мартадан майни бошигача туғади.

Нутрияларни қочирганда 45-50 кун кейин бўғозлиги пайпаслаб аниқланади. Бўғоз нутриялар туғишга 10-15 кун қолгандан уя ичида похол, сомонлардан чуқур жойлар тахлайди.

Умуман ҳайвонларни туғиш даврида навбатчилик ташкил этиш лозим. Ҳайвон болаларини тўғри ўстиришни туғилган куниданок эътиборга олиш лозим. Болаларини оналари овқатланишга уясида яйраш майдонига чиққанда кузатилади. Болаларининг ҳолати, жойининг қуруқлиги қурилиб, тушамалар алмаштирилади.

Норкаларда 4 дан 10-17 гача бола туғилиб, ялонғоч, оғирлиги 5-16 г, бўлади. Онасини тагига 7-8 та, агар сутдор бўлса 9-10 га бола қолдирган маъқул. Болаларини жинси кузатилиб, қуюқ учрайдан белги қилинади. Норка болалари 3-4 кунлик жун билан қоплана бошлаб 1 ойликда 170-200 г, урғочиси 150-180 г етади. Кўзлари эса 30-31 куйлигида, қулоғи 25 кунликда ишлари 16-26 чи кунларида ёриб чиқади.

Дастлабки бир ярим-икки хафталикда норкачалар фақат уясида онасини сути билан озиқланади. Онаси болаларини бу даврдаги тезагини истемол

қилиб, уяси деярлик тоза туради. 18-20 кунликда онаси уяга озиқалар келтириб болаларини овқатга ургатиш ва овқат еганидан кейинги тезагини онаси истеймол қилмайди. Уясини тозалаш лозим бўлади. Норка болаларини 40-45 кунликда онасидан ажратилса, нимжонлари онаси билан бирга қолдирилади.

Нутриялар 5-14 бошгача яхши яхши етилган бола туғиб, кўзи очик, жун билан қопланган, тишлари чиққан бўлади, вазни 150-250 г. Улар туғилган кундаок овқат олади.

Лекин секин ўсади ўсиш 14-18 ойликда тўхтайти. 1 ойликда 0,6-0,8 кг, 2 ойликда 1,2-1,4 кг. Агар онасини сути етишмаса бошқа нутрия болалари 10-15 кунлик бўлганидан қўшимча озиқа-бўлганган арпа ёрмаси, сўли майдаси берила бошлайди. Кейинроқ эса катталари билан бирга берила бошланади. Нутрия болалари 40-50 кунгилга онасидан ажратилади.

Тулкиларда 1-15 тагача бола тугилиб, ўртача тирик вазни 80-100 г, тигиз жуни билан қопланган. 14-15 чи куни тиши ҳам кўрина бошлайди. Онасини эмизиш 6-7 та боласи етарли. Болалари 1 ойликда 650-800 г, урғочиси 600-750 г 2 ойлигида эркаки 1700-2000 г, урғочиси 1550-1750 г бўлади.

Мўйнали ҳайвонлардан тери олиш учун уларни асосан кузги-қишги ойларида сўйиш лозим. Чунки бу даврда улардаги қишги қалин жун қоплами ўсиб етиладиган бўлади.

Тулкиларда ноябр-декабр ойларида, соболларда октябр ойида, норкаларда ноябрда етилган жун қоплами бўлади. шунингдек, баъзан ҳайвонларда ҳар хил сабабларга кўра бир турни ичида ҳар хил муддатларда мўйнаси етилиши руй беради. Шунинг учун ҳайвонларни сўйишда алоҳида кузатиб танлашда ўтказиши лозим бўлади.

Мўйна ҳайвонларининг тирик пайтида терисининг етилганлиги махсус белгилари асосида кузатилади.

Етилган мўйнаси хурпайган жун толалари билан қопланган териси белгилари, рангдор кўринишига эга бўлади.

Жун толаларининг ўсиши жараёнида терисининг туси ўзгаради, жун пийёзчасида пигмент ҳосил бўлиб, натижада тери тўқ-кулранг тусга кириб толалани ўсиши охирида тиникроқ тусга киради. Шунинг учун ҳайвон терисида толани тўлиқ етилганлигини фақат жун қопламда эмас, терисини тусидан ҳам аниқланади, бу танасининг барча қисмларида алоҳида кузатилади. Тулкиларда энг қийин думғаза, норкаларла эса осон ва думда жун етилади.

Нутрияларда қачонки танаси тўлиқ жун билан айниқса қорн қисми қопланган ва териси тоза ҳолатга кирганда сўйишга тавсия этилади. Биринчи навга терисини ранги оч кўкиш, қалин тивит билан қопланган ҳолатда ўтиши мумкин. Мўйнали ҳайвонларни сўйиши бир неча усуллари майин. Хушсизлантириш, электр токи, бўйин умуртқасини қайириш, автомашина газлари билан захарланиш, дитиллдин, эфир, карбохолин ва бошқа моддалар билан бажарилади.

Тулки, песец каби ҳайвонлар 127-220 вольт кучланишдаги электр тайёрлашда ўлдирилади. Бунинг учун иккита утказгич сим қўлланиб унинг бирига, иккинчисига металл пластинка бирлаштирилади, игнали томони ташқи чиққан тешигига ёки терисини тагига юборилади, металл пластинка эса тумшугига тегиздирилади. Ўша пайтда ток бир неча марта 1-3 секунд (лаҳза) да уланади. Ҳайвон ўша лаҳзодаёқ ўлади. Токни узоқ муддат улаб турмаслик лозим. Чунки тери ва жун қоплами куйиб, бузилади.

Норкалар автомашинадан ишлаб чиқарилган газ билан ўлдирилади. Буни кўчма қафасда махсус катта яшик қўлланиб, у резина шланг автомашинани газ чиқарув қувурига уланади. Яшикга қамалган норка 2-4 минут давомида ушланади. Машина мотори ўртача оборотда ишлаш лозим. Агар шу даражада ишласа норка ўлмаслиги мумкин.

Кейинги даврларда норкачилик фермаларида 0,5-1% ли дитилин эритмаси норкани мускул ичига 1 кг тирик вазни ҳисобига 0,2-0,4 мл юборилиб ўлдирилмоқда. Норкага укол қилгач 5-7 минутдан сўнг ўлади.

Кўп ҳолатларда тулки, норка бўйин умуртқасини қайириш билан жонсизлантирилади. Бунинг учун ҳайвон столга олиниб, чап қўл билан кўкрак қисми тутилиб, ун қўл ердамида тумшук остидан зарб билан калласи орқага қайрилади ён томонларга ҳам бураш лозим. Бунда маълум тажриба ва куч қўлланилади.

Нутрияни жонсизлантиришда орқа оёғи ёки думидан ушлаб калласига таёқ билан урилади. Қон оқиб тугагунча калласини пастга қилиб туриш лозим.

Ҳайвонларга жонсизлантириш учун ҳеч вақт нашатир спирт ва ишқорли нарсалардан фойдаланмаслик лозим. Териси ажратиш ва дастлабки ишлашда асосан жонсизлантирилган ҳайвонлар гавдаси совугандан кейин териси ажратила бошланади.

Тулки, норкалар қувурсимон қилиб ажратилади, орқа оёқлар терисида ажратилиб, орқа чиқарув тешигига кесилади ва думни ярим узунлигигача териси чизик бўйлаб ичидан кесилади териси чиқилади. Олдинги оёқдаги кафт бўғинидан кесилиб, териси ажратилади ва тирноқлари эгри қайси билан қирқиб олиб ташланади.

Кейин териси куч билан дум томонидан бош томонига қараб тортиб ажратилади. Бош томонида кейинчалик туғилса пичоқ эҳтиёткорлик билан ишлатилади. Кўзини киприклари терида қолишига эътибор берилсин.

Нутрияларда ҳам қувурсимон тери ажратилса-да, кесиш бошқачарок бўлади. Думини жунсиз қисмигача териси кесилиб ажратилади ва ташқи чиқарув тешигача кесиб келинади.

Мўйна ҳайвонларидан олинган терилар аввало гўшт ва еғ қолдиқларидан тозаланади. Бунда махсус асбоб қўлланилса-да оддий ҳолатда махсус таёқчага кийдирилиб, пичоқ билан ҳам тозалаш, бунда терини йиртилиб кетмаслигига аҳамият бериш лозим.

Тозаланган тери тезликда тўғридагич айри таёқча кийдирилиб қурилади. 25-50 С ҳарорат 40-60% гача бўлиши лозим. Бино яхши шамолайдиган бўлиши керак. Терилар 2-3 кунда қурийди. Агар бинода

шамоллатиш курилмалари яхши ишга туширилган бўлса, 8-14 соат қурийди. Терини қуриганини боши, тумшуғи ушлаб қўрилганда намлик сезилмаса, бу терини қуриганлигини билдиради. Қуриган тери тўғрилагич тагидан ажралиши яхши бўлиши учун 2-3 соат совуқ хонада сақланадиган мулойимлашиши шундан сўнг таёқдан олинади.

Назорат саволлари.

1. Хавфсизлик техникаси.
2. Ҳайвонларни уруғлантиришга тайёрлаш чора-тадбирлари.
3. Мўйна ҳайвонларни буғозлик даври ва болалаш шароитлари.
4. Мўйна хавфсизликларини болаларини ўстириш.
5. Мўйна ҳайвонларини мўйнасини сифати текшириш ва сўйишга тайёрлаш.
6. Мўйна ҳайвонларини терисини ажратиш ва терисига дастлабки ишлов бериш.